

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

КЕЛДИЕВА ШАХНОЗА

XX АСР ЖАМИЯТИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАРАҚҚИЁТИДА
ЖАДИД МАКТАБЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мутахассислик: 5А 220201 - “Ўзбекистон тарихи”

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
доцент, тарих фанлари
номзоди Э.Ю.ЮСУПОВ

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш	3
------------------------	----------

I-боб. Маърифат жади́дчи́лик ҳаракатининг бош омили сифатида

1.1.....	Туркист
онда ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жади́дчи́лик ҳаракати.....	15
1.2.....	Янги
усул мактабларида таълим ва тарбия.....	19

II-боб. Жади́дларнингмаорифдаги мустамлакачиликка қарши фаолияти

2.1. Туркистон жади́длари ва ҳаракатнинг миллий истиқлол ғояси.....	
2.2. Андижонда тараққийпарварлик.....	51

III-боб. Жади́дларнинг маънавий-маърифий мероси

3.1. Абдурауф Фитрат адабий-маърифий меросидан.....	
3.2. Жади́дларнинг маърифий-адабий мероси XXаср мустақиллик хизматида.....	68

ХУЛОСА	84
---------------------	-----------

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	87
--	-----------

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги. Тарихимизга миллий ўзлигимизни англаш туйғуси билан карашимиз лозимлиги, ўз навбатида, ватан тарихида миллий истиқлол учун курашган ижтимоийсиёсий ҳаракатлар тарихини ўрганишни тақозо этади.

Ўтган аср бошларида Туркистон жамиятида сиёсий мақсадлар сари интилиш яққол намоён бўлди: маърифатпарварликдан аста секин сиёсий ҳаракат етакчисига айланган зиёлиларнинг янги бир авлоди бунёдга келди. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби жадиdlларимизнинг ғоялари халқимизни маърифатли қилиш, ўзлигини англашга тайёрлаш ва шу йўл билан миллий озодликка эришишини таъминлашдан иборат эди. Уларнинг ижодида, сиёсий фаолиятида миллий мафкурамизнинг илдиз ота бошлаганини аниқ кўрамиз.

Жадидчилик ҳаракатининг тамал тоши усули жадид мактабларидир. Бу - жадидшунослар томонидан яқдил эътироф этилган фикр. Бу ҳаракатнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини танитиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ қилиш, Миллат, Ватан истиқлоли эди. Маълумки, бундай буюк ўзгаришларни янги авлодгина амалга ошира олади. Бунинг учун тараққий этган миллатлар билан ҳамқадам авлодни тарбиялаб етиштириш керак. Жадидчилик, моҳият эътиборига кўра, маорифни тубдан ислоҳ этишдан бошланган бўлса-да, мазкур даврда юзага келган ҳар бир ижтимоий-сиёсий ҳодиса жадидлар таъсири доирасида бўлган. Тўла ишонч билан айтиш керак, усули жадид мактаблари очиш заминида ҳам сиёсий масала - истиқлол, миллатни мустамлака зулмидан озод қилиш, тараққий топган, фаровон миллатлар қаторида кўриш ғояси ҳукмрон эди. Яна шуни унутмаслик керакки, шўролар даврида энг кўп ноилмий талқин қилинган, кўплаб намояндалари, раҳбарлари фаолиятини ўрганиш ман этилган давр ҳам мана

шу XIX аср охирида XX аср бошларида вриди. Чунки жаид мутафаккирлари фаолияти заминда антиколониал мақсадлар, миллий истиқлол ғояси ётар эдики, бу ғоя оқ ва қизил империяга бирдай маъқул эмас эди. Шўролар ҳукумати уларга қарши ниҳоятда даҳшатли - ҳам жисман, ҳам маънан йўқ қилиш сиёсатини олиб борди ва йигирма йил ичида уларнинг деярли ҳаммаси қатағон қурбони бўлдилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихшунослик таҳлили хулосаларининг кўрсатишича, ҳозирги пайтга келиб бу борада заифроқ ёритилган масалалар мавжудки, буларга янги сиёсий шароитларда Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси миллий ўзлигини англашининг ўсиши муаммолари, миллий зиёлиларнинг маърифатпарварлик ҳаракати, сиёсий партияларнинг давлат мустақиллигига эришиш борасидаги ўзига хос қураш йўлларини концептуал идрок этиш каби масалалар қиради.

Мустақиллик йилларида ўлка халқларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган кўп асрлик қураши тарихи, шу жумладан, миллий озодлик қураши мафқурасининг ҳозирги давлат мустақиллигига замин ҳозирлаган омил сифатида шаклланиши тарихи чуқур ва ҳар томонлама ёритиб берилди. Мазкур муаммонинг ўзига хос аспектларидан бири Ўзбекистоннинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги тарихи бўлиб, ушбу даврни ижтимоий-сиёсий оқимларнинг, хусусан, ўлканинг илғор миллий зиёлилари ҳаракати - жаидчилиқнинг генезиси ва эволюциясини объектив ўрганмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳозирга қадар бу борада мавжуд адабиётларни биз шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўргандик: Россия империяси ҳукумронлиги даврида эълон қилинган ишлар, совет мустабид тузуми даврида яратилган тадқиқотлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид ишларга хос асосий хусусиятлар шундан иборатки, уларнинг муаллифлари мазкур жараёнлар юз берган даврда яшаган кишилар бўлиб, уларни ўз кўзлари билан кўрган, уларда иштирок этган тирик гувоҳлардир. Бу ишлар XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиёда юз

берган тарихий воқеалар билан изма-из яратилган. Улар қаторига И.Гаспринский, М.Бехбудий, Мунаввар Қори, А.Авлоний, А.Фитрат, шунингдек Н.П.Остроумов, С.М.Духовской ва бошқаларнинг асарлари киради¹.

Узоқ йиллар давомида жаидчилик ҳаракати тарихи совет тарихшунослигида бир ёклама, негатив нуқтаи назардан ёритиб келинди. Совет даврида мавжуд бўлган мафкуравий ва маъмурий назорат тадқиқотчиларга ўз ижодий тафаккурини тўлиқ намоён этиш имконини бермас, юз берган воқеалар партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёритилар эди. Айнан шунинг учун аксарият муаллифлар миллий тараққийпарварларнинг нашрлари ва асарларини эътибордан соқит қилган ҳолда ушбу ҳаракатнинг "консервативлиги", "майда буржуа" характерига эга эканлиги ҳақида асоссиз хулосалар чиқардилар. Шунга қарамасдан, кўп сонли манбалар илмий истеъмолга киритилди, фактик материал тўпланди ва агар ушбу материал танқидий идрок этиладиган бўлса, у ҳаққоний тарихни тиклашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларда Туркистондаги жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши жараёнларини холис таҳлил қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Г.Сафаров ўзининг "Мустамлака инқилоби" номли асарида жаидчиликни мусулмонлар ўртасида миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш мафкурасининг асосий устуворликларининг шаклланишига хизмат қилган "прогрессив-миллий ҳаракат" сифатида баҳолайди.²

Ўрта Осиё жаидчилиги тарихи Ф. Хўжаев, Р. Инъомов, П. Галузо, Г.Туркестанский каби муаллифлар томонидан ҳам кўриб чиқилган.³

¹Танланган асарлар. 2 нашр. Тузатилган ва тўлдирилган. Тошкент: Маънавият, 1999, 280 б. ва б.; Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Тошкентда мусулмон жамияти // Самарқанд. 1913, 20 август; Ўша муаллиф. Хотираларимдан (жаидчилик тарихидан лавҳалар). Тошкент: Шарқ, 2001, 128 б.; Нажот йўли (Раҳбари нажот) /Масъул муҳаррир З.Чориев. Таржимон Ш.Вохидов. Тошкент: Шарқ, 2001. 176 б.

²Сафаров Г.И. Колониальная революция. (Опыт Туркестана). М.: Госиздат, 1921. С. 80.

³Ходжаев Ф. К истории революций в Бухаре. Ташкент, 1926; Ўша муаллиф. Джаиды // Сб. Очерки революционного движения в Средней Азии. М.: Изд-е научной Ассоциации востоковедов, 1926; Туркестанский Г. Кто такие были джаиды. Ташкент, 1926; Инъомов Р. Ўзбек зиёлилари. Тошкент: Ўздавнашр, 1926.39 б.

Ушбу муаммо совет даврининг кейинги йилларида ҳам ёритилди.⁴ Бироқ мазкур тадқиқотлар коммунистик мафкура ва шафқатсиз цензура ҳукмронлиги даврида яратилди ва шу сабабли жадиदчилик уларда салбий тавсифланди.

Л.Климовичнинг «Ислам в царской России» номли китобида ислом динининг Россия империяси, шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг маънавий ҳаётидаги ўрни ва роли ёритиб берилди. Ислолдаги ислохотчилик оқимларини тавсифлар экан, муаллиф синфий ёндашув доирасидан чиқмаган ҳолда жадидларни буржуазия манфаатларини ифода этувчилар сифатида баҳолаган, бироқ, шу билан бир вақтда у жадидларнинг жамиятни ислох қилишдаги хизматларини ҳам эътироф этади.⁵

Тадқиқогчи Я.Г.Абдуллин маърифатпарварлик ҳаракатига бутунлай бошқача баҳо берди ва жадидчиликни нанисламизм билан бир нарса деб ҳисоблашга қарши чиқди. Унинг фикрига кўра, жадидлар факат ислом асосида, мусулмонларнинг диний раҳнамоси сифатида халифа ҳукмронлиги остида бирлашишга чақирмаганлар, балки тараккиётга олиб борувчи йўл билимлар ва илғор маданиятни тарқатиш, ўзининг миллий ҳудудида ислохотларни амалга ошириш орқали ўтади, деб ҳисоблаганлар ва ҳаракатнинг вазифалари ана шу қарашларга мувофиқ равишда белгиланган.⁶

XX асрнинг 80-йилларнинг охири - 90-йиллари бошида ушбу муаммо тарихшунослигида ва умуман тарих фанида синфий ёндашувдан муайян даражада воз кечиш кўзга ташланди ва жадидчилик минтақа халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашининг таркибийқисми сифатида

⁴Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв. Ташкент, 1957. 214 с; Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент, 1961. 588 с; Ўша муаллиф. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период Великой октябрьской революции // История СССР. М., 1963. № 2. С. 35-46; Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX-начале XX века. Ташкент: Фан, 1972. 212 с; Вахидов Х.Г. Просветительская идеология в Туркестане. Ташкент: Узбекистан, 1979. 155 с; Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры и науки Советского Узбекистана 1917-1953 / Избранные труды. В восьмитомах. Ташкент: Фан, 1967, Т.5, С.111-112.

⁵Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. М., 1936. С. 176-215

⁶Абдуллин Я.Г. Джадидизм, его социальная природа и эволюция / Из истории татарской общественной мысли. Казань. 1976. С. 95.

каралди.⁷ Ушбу даврда маърифатпарварлик ҳаракатининг объектив тарихини яратиш, уни сохталаштиришлар ва сукутлардан халос этишга қаратилган уринишлар кузатилди. Бироқ, жадидларнинг диний қарашлари ҳақидаги масала алоҳида муаммо сифатида ажралиб кўрсатилмоқда.

Жадидчилик ҳаракатининг моҳиятини очиб беришда адабиётшунос олимлар томонидан эълон қилинган тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Уларнинг муаллифлари биринчилардан бўлиб юқоридаги муаммони ўрганишга киришдилар ва ўзларининг асосий диққат-эътиборларини жадидларнинг маърифатпарварлик ҳамда адабий фаолиятига қаратдилар.⁸

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари, шу жумладан, жадидчилик тарихини ўрганишга ватанимиз тарихчи олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Шу нуқтаи назардан Д.А.Алимованинг тадқиқотлари, хусусан, унинг Туркистон жадидчилигининг таниқли вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган ишлари алоҳида аҳамиятга моликдир.⁹ У мамлакатимиз тарих

⁷Қосимов С. Бехбудий ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990, 19 январь; Мирзаахмедова Г.П., Рашидова Д.А. К изучению джадидского движения // ОНУ. Ташкент, 1990. № 7. С. 30-40; Мирза-Ахмедова П., Рашидова Д. Джадиды: кто они? // Звезда Востока. Ташкент, 1990. № 9. С. 137-141; Қосимов Б. Жадидчилик. Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти (давра суҳбати) // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1990. № 4. Б. 15-20; Ризаев Ш. Жадидчиликка оид икки ҳужжат... // Ўша жойда. Б. 29-35; Турдмев Ш. «Берегите мудрецов...» Судьба и смерть Махмудходжи Бехбуди // Звезда Востока. Ташкент, 1991. № 5. С. 83-86

⁸Қосимов Б. Фитрат // Санъат. Тошкент, 1991. № 12. Б. 10-12; Ўша муаллиф. Жадидчилик ва янги ўзбек адабиёти // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараккиёт ва мустақиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик). Тошкент: Маънавият, 2001. Б. 66-70; Шарафуддинов О. Чўлпонни англаш. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 48 б.; Ўша муаллиф. Истиклол фидойилари. Тошкент: Шарқ, 1993. 137 б.; Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1992. №5. Б. 105-109; Ўша муаллиф. Жадидчилик ва истиклол // Марказий Осиё XX аср бошида: ... Б. 82-85

⁹Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент: Фан, 1996. С. 8-20; Ўша муаллиф. Мозий истиклолнинг тарозиси // Туркистон. 1996, 21 апрель; Ўша муаллиф. Ҳақ олинур, берилмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997, 14 февраль; Ўша муаллиф. Бухара конца XIX- начала XXвека и зарождение джадидзма // ОНУ. Ташкент, 1997. № 9-10-11. С. 81-93; Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Тошкент: Фан, 1997. Б. 37-47; Ўша муаллиф. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Тошкент: Эльдинур, 1998. Б. 3-10; Ўша муаллиф. Ҳақиқатнинг туташ манзили // Тафаккур. Тошкент, 1999. №2. Б. 54-59; Ўша муаллиф. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараккиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Тошкент: Университет, 1999. Б. 35-52; Ўша муаллиф. XIX аср охири - XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараккиёт учун кураш ... Б. 83-103; Ўша муаллиф. Единство просвещения, знания и этики поведения // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1999. №2. С. 3-8; Ўша муаллиф. Национально-прогрессивное движение джадидизм и его общественно-политическая сущность. Взгляды джадидов на государственность // Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент: Шарқ, 2001. С. 141-161; Ўша муаллиф. Туркистон

фанида биринчилардан бўлиб, ислохотчилик ҳаракатининг тарихий моҳиятини объектив баҳолашга ҳаракат қилди, уни даврлаштирди ва илғор зиёлиларнинг интеллектуал дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб берди.

Мазкур муаммо тарихшунослигига қўшилган яна бир муҳим ҳисса Д.А.Алимованинг «История как история, история как наука. Феномен джадидизма»¹⁰ номли умумлаштирувчи асари бўлиб, унда Ўзбекистонда илк бора миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг моҳияти ва унинг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни комплекс тарзда тадқиқ этилган, Туркистон ва Бухоро тараққийпарварлари қарашларининг ўзига хослиги акс эттирилган, жади́дчиликнинг маърифатпарварликдан кудратли сиёсий ҳаракатга эволюцияси очиб берилган. Шунингдек, мазкур асарда илк бора миллий тараққийпарварлик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар рус тилида чоп этилган.

Жади́дчилик ривожланишининг сиёсий босқичи С.С.Аъзамхўжаев тадқиқотлари учун объект бўлди.¹¹ Туркистонда биринчи миллий демократик давлатчилик - Туркистон Мухториятининг ташкил топиш тарихини таҳлил қилар экан, муаллиф ўлка мусулмон аҳолисининг жипслашув жараёнларини батафсил ёритади, унда жади́дларнинг ўрни ва ролини белгилаб беради.

Р.М.Абдуллаевнинг ишларида «Падаркуш», «Ғайрат», «Тараққийпарвар», «Баракат», «Шурои исломия» каби миллий ташкилотларнинг шаклланиши ва фаолияти янги фактологик манбалар

жади́дларининг мусулмон маданиятига оид қарашлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2001. №3. Б. 206-208; Ўша муаллиф. Генетическая основа интеллектуально-социального протеста и слияние философских идей Запада и Востока в воззрениях джадидов // Марказий Осиё ХХаср бошида:... С. 15-21; Ўша муаллиф. Genetic basis of the intellectual and social protest and merge of philosophical ideas of the west and east in views of jadids // Culture in Mind, mind in Culture. Uzbekistan-Korea international Symposium. Tashkent., 2004, P.32-38; Ўша муаллиф. Бехбуди и его идеи относительно прогресса // Филология масалалари. Тошкент, 2005. № 1(8). Б. 81-86; Ўша муаллиф. Туркестанские прогрессисты и младотурецкое движение: общее и особенное // Взаимоотношения Турции и Центральной Азии в контексте расширяющейся Европы. Материалы международной научной конференции. Алматы: Дайк-Пресс, 2006. С. 32-41

¹⁰Алимова Д. История как история, история как наука. Т. II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009.184 с.

¹¹Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти. Тошкент: Фан, 1996. 60 б.; Ўша муаллиф. Из истории борьбы за автономию Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан... Б. 21-33; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти - жади́длар миллий-демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси // Жади́дчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... Б. 152-173; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти. Тошкент: Маънавият, 2000;

асосида тадқиқ этилган.¹² Муаллифнинг фикрига кўра, соф диний характердаги масалаларда жадидлар эҳтиёткорлик ва вазминлик кўрсатишга мажбур бўлганлар ва бунда улар Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ва диний-маънавий кайфиятни ҳисобга олганлар¹³.

Мазкур муаммо тарихшунослигига кўшилган яна бир муҳим ҳисса Д.Ҳ.Зиёеванинг тадқиқотлари бўлиб, уларда катта ва кенг микёсдаги материал асосида маърифатпарварларнинг Туркистондаги 1916 йил кўзғолонига бўлган муносабатига баҳо берилади.¹⁴

С.Холбоев тадқиқотларида эса Мунаввар Қорининг маърифатпарварлик ва сиёсий фаолияти кўриб чиқилган ҳамда Ўрта Осиёда олий таълим тизимининг вужудга келиши ва ривожланишида жадидларнинг роли кўрсатиб берилган.¹⁵

Миллий озодлик ҳаракатининг асосий йўналишларини муҳокама қилиш, ҳамкорликдаги ишланмалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган бир қатор илмий-амалий тадбирлар жадидчилик тарихига оид тадқиқотларнинг фаоллаштиришига хизмат қилди.¹⁶

ЎзР ФА Тарих институти томонидан «Жадидчилик: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш» номли жамоавий монографиянинг нашр этилиши миллий тараққийпарварлик ҳаракати тарихини ўрганишга қўшилгш жиддий ҳисса бўлди.¹⁷ Мазкур тадқиқотда Ўрта Осиёда жадидчиликнинг илдизларидан бошлаб то унинг сиёсий ҳаракат

¹²Абдуллаев Р.М. Туркестанские прогрессисты и национальные движения // Звезда Востока. Ташкент, 1992. № 1. С. 106-113; Ўша муаллиф. Интеграционные процессы в мусульманском мире и Туркестанские джаиды //Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш ... С. 69-82.

¹³Абдуллаев Р. Туркестанские прогрессисты и национальные движения ... С. 107.

¹⁴Зияева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракатида зиёлиларнинг ўрни // Марказий Осиё XX аср бошида: ... Б. 102-106; Ўша муаллиф. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жадидлар. (1916 йил воқеалари мисолида) // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ватараққиёт учун кураш... Б. 146-151.

¹⁵Холбоев С. Мунаввар Қори // Мулоқот. Тошкент, 1997. № 1. Б. 24-25; Ўша муаллиф. Туркистоннинг буюк уйғониши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999, 9 август; Ўша муаллиф. Миллатимизнинг маънавий отаси // Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар), Тошкент: Шарқ, 2001. Б. 5-20; университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. Тошкент: Шарқ, 2003. 128 б.

¹⁶Ўзбекистон тарихи; янги нигоҳ, Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. Тошкент: Эльдинур, 1998; Марказий Осиё XXаср бошида: ... 142 б.

¹⁷Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... 218 б.

сифатида шаклланиши ва ривожланишига қадар бўлган эволюцияси илгари маълум бўлмаган тарихий материаллар асосида таҳлил қилинган.¹⁸

Республикамиз тарихчи ва адабиётшунос олимларнинг мажмуавий тадқиқотларининг натижаси ўлароқ маърифатпарварлик ҳаракати етакчиларининг «Танланган асарлар»и¹⁹ нашр этилди.

Жадидчилик тарихига оид бир катор масалалар Т.Н.Козаков,²⁰ М.У.Қаюмов²¹ ва Р.Н.Турсуновларнинг²² кўриб чиқиладиган тарихшунослик даврида тайёрланган диссертацион тадқиқотларида кўтариб чиқилди.

Тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Россия империяси ҳукмронлиги даврида эълон қилинган ишлар, совет мустабид тузуми даврида яратилган тадқиқотлардан фарқли равишда, мустақиллик давридаги тарих фани жадидчилик ҳаракатига концептуал ёндашув масалаларига тўлиқ ойдинлик киритди ва жадидчиликни фақат маданий-маърифий ҳаракат сифатидагина эмас, балки кучли маиший-демократик тараққийпарварлик ҳаракати сифатида таърифлади. Ҳозирги пайтга келиб тарихчи олимлар ва адабиётшунослар томонидан муаммонинг кўплаб аспекти: прогрессив ҳаракатнинг юзага келиши сабаблари, Ўрта Осиёлик ислохотчиларнинг дунёқарашлари, уларнинг маърифатпарварлик фаолияти, адабиёти, драматургияси, мусиқаси, мусулмон дунёси билан интеграцияси ҳамда муаммонинг тарихий-сиёсий аспекти, шу билан бир вақтда жадидларнинг динга, хусусан ислом динига ва унинг қадриятларига муносабати, бу борада

¹⁸Алимова Д.А. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... С. 37; Прилуцкий Е.А. Запад и Восток в философских и теоретических концепциях джадизов // Ўша жойда. С. 59-60.

¹⁹Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1998. 304 б.; Бехбудий М. Танланган асарлар. иккинчи нашр, тузатилган ва ўлдирилган. Тошкент: Маънавият, 1999. 280 б.; Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. Шърлар, насрий асарлар, драмалар. Тошкент: Маънавият, 2000. 256 б.; Ўша муаллиф. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Тошкент: Маънавият, 2000. 208 б.; Ўша муаллиф. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, мақолалар. Тошкент: Маънавият, 2003. 256 б.; Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Тошкент: Шарк, 2001. 128 б.

²⁰Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XXвека.: Автореф. дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 2001. 24 с.

²¹Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошида Хива хонлигида ижтимоий-сиёсий жараёнлар.: Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2006. 150 в.

²²Турсунов Р.Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийларварларнинг қарашлари.: Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2006. 146 в.

улар таклиф қилган ислохотлар ҳамда жаҳидларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли одамлар онгида юз берган ижобий силжишлар ўрганилди.

Миллий истиқлол учун кураш жараёнини англаш, уни идрок қилишда ФА Тарих институти ва Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан 2000 йилда нашр этилган фундаментал тадқиқотларнинг²³ ўрни катта бўлди. Шунинг билан бирга мавзу бўйича бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди²⁴. Уларда XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон маорифчилари, маҳаллий зиёлиларнинг истиқлол йўлидаги кураши, мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати, миллат сардорларининг қатағон қилиниши ва уларнинг фожеали тақдири тадқиқ этилган.

Р.Т.Шамсутдиновнинг миллий истиқлол учун кураш тарихига оид янги концептуал-методологик ёндашувларда 2001 йили “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”, ҳаммуалифликда “Ўзбекистон тарихидан материаллар”, “*Vatan tarixi*” – биринчи, иккинчи ва учинчи китоблари, “Репрессия: 1937-1938 гг.”²⁵ ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари босмадан чиқди.

“Репрессия: 1937-1938 гг. ҳужжатлар ва материаллар тўпламининг биринчи нашрида НКВД Андижон сектори томонидан “Миллий Иттиҳод”, “Шўрои Исломия” Андижон шўъбасининг 28 нафар аъзоси устидан жиноий иш қўзғатилганлиги ва айблов ҳулосаси материаллари, СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси томонидан Ўзбекистон ССРдан жавобгарликка

²³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т.: Шарқ, 2000. С. 672; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. (Тузувчилар Жўраев Н., Нуруллин Р. ва бошқалар). Т.:Шарқ, 2000. Б.161-302

²⁴ Турсунов И.И. Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлол йўлидаги кураши тарихидан (1917-1930 йиллар). Тарих фанлари доктори илм.дар.олиш учун ёз.дисс.–Т.:1994, Б.230; Узоков Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900-1940 йиллар). Тарих фанлари доктори илм.дар.олиш учун ёз.дисс...Т.,1996, Б.269; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в 1917 –начале 1950-х годов. Автореф.дисс.на соиск.учен.ст.доктора ист.наук. –Т.:2001, С.54; Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йил) Тарих фанлари номзоди дисс.автореф.Т.:2002,Б.30; Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс.афтореф.Т.:2004,Б.30.

²⁵Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т.: Шарқ, 2001; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон “*Andijon-Nashriyot-Matbaa*”, 2004, Б.348-455, 582-607; Shamsiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Birinchi, Ikkinchi, Uchinchi kitoblar. Т.: Sharq, 2010.-3-nchi kitob 496 b; Шамсутдинов Р.Т., и др. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I-V-Т.Шарқ, 2005-2009/-Выпуск I. 285с. Выпуск III. 495 с.

тортилган масъул ходимларнинг (1-категория бўйича – 155, 2 –категория бўйича 10, жами -165 киши) алоҳида рўйхати келтирилган.

“Репрессия: 1937-1938 гг.”. (Ташкент, Шарк, 2007) ҳужжатлар тўпламининг учинчи китобида (1937 йил ноябр) Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги Тройка мажлисларининг баённомалари мавжуд. Китобга киритилган маълумотларда миллатнинг фидойи ўғлонлари, ўз вақтида муҳолифат ҳаракатда “Миллий Иттиҳод”, “Шўрои Ислом” ташкилотлари аъзолари бўлган ёки қаршилик ҳаракати қатнашчиси сифатида “халқ душмани”, “миллатчи”, “аксизинқилобчи”, “қулоқ”, каби турли ёрликлар билан қатағон қилинган. Қамоқ жазосини ўтаётганлар турли касалликлардан, очлик ва изғирин совукдан, зулм ва қийноқлардан, тинка-мадорини қуритадиган оғир жисмоний меҳнатдан ўлиб кетишган, тирик қолганлари эса бир умр ногирон бўлиб қолган.

Тадқиқ этилган ва эълон қилинган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, 1917-1929 йилларда қаршилик ҳаракати, миллий озодлик курашида сиёсий партия ва ташкилотларнинг роли ва ўрни, сиёсий кураш сабоқлари масалалари ҳали тўла ўрганилган ҳамда алоҳида олинган мавзу сифатида тадқиқ этилган, деб бўлмайди. Бу борада изланишлар бошланган бўлсада, биз танлаган муаммо ҳали ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқотдан кутилаётган илмий натижалар муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- тадқиқот жараёнида аниқланган янги материаллар ва илмий хулосалар мустақил Ўзбекистонда маърифий жамият қуриш ишида жадиждлар фаолиятини ўрганиш, ижодий бойитиш ишига хизмат қилади;
- мавзунини таҳлил қилиш Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашганлиги айблови билан, турли сиёсий жазо ва тазйиқларга дучор қилинган жадиждлар тақдири ўрганилади;

- тадқиқот материалларидан Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланма ва ўқув видеофильмлари яратишда, вилоятлар энциклопедияларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин;

- тадқиқот натижаларидан вилоятлардаги ўлкашунослик музейларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади XIX аср охири – XX асрнинг 1-ярмида Туркистон-Ўзбекистонда фаолият кўрсатган жадидчи тараққийпарварлар, уларнинг ўлка маданий-маърифий ҳаётида тутган ўрни ва тарихий тажрибасини адабиётлар ва манбалар асосида ўрганиш, мушоҳада ва таҳлил қилиш. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихшунослигини ўрганиш;
- Туркистондаги янги маънавий-маърифий юксалиш тимсоли бўлган жадидчиликнинг таълим тизимидаги тажрибасини ёритиш;
- жадидчилик ҳаракати негизида сиёсий уюшмаларнинг вужудга келишини, ташкилот аъзоларининг қисматини ўрганиш;
- Совет мустамлакачилик сиёсатиға қарши курашган ташкилотлар фаолиятини энг янги материаллар асосида таҳлил қилиш;
- Фарғона водийсида фаолият кўрсатган шўъбалар ва жамиятлар мисолида Туркистон-Ўзбекистонда кечган тараққиёпарварлик тарихини ёритиш;
- Мавзуга оид адабиёт ва манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Ўрганилаётган мавзунинг хронологик доираси XIX аср охири – XX аср охирининг 1950 йилларни ўз ичига олган. Чоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон жамиятида жўшқин жараёнлар бошланади. "Мудроқлик"дан ижтимоий-сиёсий фаолиятга ўтиш бутун ўлкани қамраб олади. Жойларда "Усули савтия", яъни "усули жадид" мактаблари фаолият кўрсатади. Мустамлакачилик режимиёса бу даврда ўлкадаўз тоталитар хусусиятини ошқора намоён қилади, миллат

келажаги учун курашган жамиятларазолари қатағон қиличи тиғидан ўтказилади.

Тадқиқотнинг манбаъвий базасини тарихий нашрларда эълон қилинган ҳужжат ва материаллар ташкил этади. Мавзуга доир материаллар ўрганиб чиқилди ва улардан фойдаланилди. Айниқса, Фарғона водийсида фаолият кўрсатган яширин жамиятлар тўғрисидаги материаллар қимматли бўлди. Энг муҳим ҳужжатлар ва материаллар илмий таҳлил доирасига тортилди ва мавзу мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Диссертациянинг назарий ва методологик асосини миллий истиқлол мафкурасининг устувор тамойиллари, илмий билишнинг цивилизациявий методи, холислик, тарихийлик принциплари, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда методологик, илмий-назарий ва мафкуравий аҳамиятга молик дастурий-концептуал, назарий-методологик кўрсатмалари ташкил этади.

Диссертациянинг тузилиши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбаалар рўйхатиданиборат.

I-боб. Маърифат жаидчилик ҳаракатининг бош омили сифатида

1.1. Туркистонда ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жаидчилик ҳаракати.

Етук тарихчи олим, ёзувчи, маърифатпарвар Ҳақимхон тўра Маъсумхон тура угли Россиянинг Семипалатинск (Шамай), Омск, Оренбург, Астрахан шаҳарларида бўлгач, унда хонликлардаги давлат, таълим-тарбия, ўқитиш тизимига нисбатан муносабат кескин ўзгарди. Туркистоннинг тараққиётдан нақадар орқада қолиб кетганлигини тушуниб етди. Шарқ тиллари билан бир қаторда рус тилини мукаммал. билган мутафаккир Россия давлат, таълим-тарбия тизими билан яқиндан танишган, у ердаги шаҳарларда ота-онасиз қолган етим-есирлар учун махсус тарбияхоналар -пансионлар очилгани, уларнинг давлат ҳисобидан ўқитилиши Ҳақимхон тўра учун бутунлай янгилик эди. Бу ҳақда у саёхатлари асосида ёзилган "Мунтахаб ут-таворих" ("Танланган тарихлар") асарида қуйидагиларни ёзади: "Губирнатўр пиёда саллотлариға неча алвон таълим машқ берур эдики, ақл анга ҳайрон эрди. Ани кўрганда бизни(нг) сипоҳларимизнинг машқлари ёш гўдаклар ўйинига ўхшар... Ул манзил мутасаддиси қаровсиз болалар тарбиятиға машгул бўлур ва ҳар шаҳарда Ўрусияда қаровсиз етим болалар учун иморатлар килибдур. Либос, хўрокин подшоҳлиқдин бериб турарлар ва аларни ўқитмоқ учун муллалар таъйин айлабдур. Катта бўлғондин сўнгра мувофиқи дониш подшоҳлиғ машгул бўлурлар ва аларни подшоҳнинг ўғли дерлар²⁶.

Ҳақимхон тўра 1826 йилда Россия ҳудудидан чиқиб, мусулмон давлатларидан Туркия, Мисрда ҳам бўлади. Мисрда Муҳаммадали пошшобилан учрашади, унинг ислохотчилик фаолияти билан яқиндан танишади. Муҳаммадали пошшонинг 40 турк йигитини 7 йил давомида турли билимларни эгаллаш учун Европага ўқишга юбориши уни ҳайратга солади.

Ҳақимхон тўра Муҳаммадали пошшо ташкил этган ва дунёвий илмлар ўқитиладиган янги мактабларни чуқур ўрганади. Мактабларга, турли фан соҳаларига талабалар танлаш, ўқитиладиган фанлар, айниқса

²⁶Ҳақимхон, Хотиралар, Тошкент. Фан, 1966, Б. 43

битирувчиларни иктидорига яраша иш билан таъминлаш каби масалаларни "Мунтахаб ут-таворих" асарида батафсил ёритади: "Уларни ўқитишга ҳар хил илмдин муаллим ва котиб мавжуд. Зероки, бир тоифа арабий ўқурлар ва бир жамоа форсий ва бир жамоа туркий ва бир фавжи фаранги ва бир жамъи котиб хушхатлар - настаълиқ ва бир тоифа хатти-сулс машқ этарлар эди. Ва бу илмларга моҳир бўлгондин сўнг имтиёз ва имтиҳон қилурлар. Ҳар қайси қобили тарбият бўлса ани жудо қилурлар. Ҳар ойда қанча бўлса, Муҳаммадали пошшо хизматлариға олиб борур. Мувофиқи истеъдоди илми бир хизматга маъмур қилур. Бир тоифа ёш ўғлонларни ҳақимхонаға юборур, то илми тибдин баҳра олғай ва бир жамоани Фарангистонга юборур, токи - ғарб илмларини билиб келғай ва оники илмдин баҳра топмабдур, то тарбият агар қилмабдур, ани ҳам жудо қилиб, жиҳодияга юборурлар, аскар бўлур. Ҳар ойни тамомида қоида шулдур. Фақир бу ҳолни кўруб, мутаҳайюр эрдим²⁷.

Ҳақимхон тўра асарида баён этган ислоҳотчилик ҳақидаги орзуларини уз ватанида амалга ошира олмаган бўлса-да, асар Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида зиёлиларга, маърифатпарварларга кучли таъсир кўрсатди. Бу ҳолни Ҳақимхон тўрага яқин замондош, ислоҳотпарвар Аҳмад Дониш фаолиятида, унинг "Наводир ул-вақое" асарида яққолроқ кузатиш мумкин.

Аҳмад Дониш амир Насрулло, амир Музаффар, амир Абдулаҳад даврларида ниҳоятда кучайган инқирозни "Наводир ул-вақое", унинг замондоши Мирзамуҳаммад Абдулазим Сомий "Тарихи салотини манғитийя доруссалтанаи Бухоройи шариф" ("Бухоройи шариф салтанатидаги манғит ҳукмдорлари тарихи") асарларида ҳаққоний баён қиладилар.

Аҳмад Дониш ўз асарида Бухородаги тартибсизликларни, давлат бу ахволда узоқ яшай олмаслигини фаранг ҳокими тилидан аёвсиз фош қилади: "Подшоҳларнинг сақланишлари, уларнинг саломат туришлари, мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги, сипоҳларнинг розилигига

²⁷Кўсатилган асар. Б. 70-71

боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фукаро оч, сипоҳлар мухтож, амалдорлар, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат, бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди. Отаси яшаса ҳам болалари унинг ўрнига ўтира олмайдилар. Ҳукумат интизоми бутунлай бузилади... Бунга ўхшаш мамлакатни ҳукумат, давлат дейиш тўғри эмас, уни гадолар подшоҳи, ожизлар ҳукумати десалар, тўғрийдиган бўладилар²⁸".

XIX асрнинг 50-60-йилларидаёқ Аҳмад Дониш Бухоро мактаб ва мадрасаларидаги ўқиш-ўқитиш методларини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кескин қўйган эди. Садриддин Айний уни "Бухоронинг порлоқ юлдузи" деб атаган эди: "Агар эсимдан чиққан бўлмаса, 1316 йил ҳижрий (1898 милодий йили) эди... Аҳмад махзумни (Аҳмад Донишни - К.Ш.) нима учун кофир дер эканлар? Аҳмад махзум шу китобида ("Наводир ул-вақое" -У. Д.) расмий муллаларни бераҳимона танқид қилган, уламо ва умаро орасида бўлган бузуқликларни очиб берган, дарс усулларининг нуқсонларини ва Бухоро мадрасаларида ўқитилатургон дареларни бир нарсага ярамаслигини ҳеч кимдан қўркмасдан ёзиб экан. Мана шунинг учун кофир дер эканлар. Мундан кейин Аҳмад махзум ким эканлигини танидим. Муллалар ва ўқиб юрган дарсга назарим бошқача бўлди. Хулоса, ушбу китобнинг мутолааси соясида муҳокама қўзғолди ва фикримда ўзгаришпайдо бўлди."

XX аср Туркистон ўлкасида миллий уйғониш шабадасини кучайтирди: ўлкада "Таржимон", "Мулла Насриддин" газета ва журналларининг муштариёлари сони ошиб борди, улардаги ислохотчилик ҳаракатига : бағишланган мақолалар ўлка педагогларини ўз фаолиятларига танқидий қарашга мажбур этди, илк усули жаид мактаблари вужудга келди, она тили, табиий фанларни ўқитиш масаласига эҳтиёж ва эътибор кучайди.

Исмоилбей Гаспираниннг "Хўжаи сибён" алифбо дарслиги, "Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош" методик қўлланмаси усули жаид муаллимлари қулида тез-тез кўрина бошлади. Бу ҳаракатнинг раҳбарлари,

²⁸Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, саккиз томлик, биринчи том. Тошкент, 1963, Б. 198

намояндалари четэлларда таълим олган ёки тараққий этган мамлакатларда бўлган, Шарқ ва Ғарб маърифати, маънавиятини эгаллаган, илмга чанқок ёшлар эдилар. Улар иустамлака, мутаассиблик исканжасида харобага айланиб бораётган она-Ватан жароҳатларига малҳам изладилар. Жадидлар, биринчи навбатда, маорифни, мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, миллатни уйғотиш учун кураш олиб бордилар. Жадид мутафаккирлари ўзбек халқининг минг йилдан ортиқ тараққиёт тарихига эга бўлган тафаккур гулшанидан баҳра олдилар, умуминсоний қадриятларга асосландилар, шу билан бирга, турк дунёси халқларининг маънавий раҳбари Исмоилбей Гаспралининг ўқиш-ўқитиш, мактаб ва Мадрасаислохотига оид фикрлари таъсирида бўлдилар, «озарбайжон» халқининг хурфидкли улуғ демократлари Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Тоҳирзода Собирлар билан якин ҳамкорликда бўлдилар, уларнинг "Мулла Насриддин" журнали, "Хўп-хўпнома" мажмуаси ўзбек зиёлилари ўртасида катта шухрат қозонди.

Бу ҳол чорРоссияси, генерал-губернаторлик сиёсий доираларини анча ташвишга сола бошлади. Бу Россия ички ишлар вазирлигининг 1900 йил 31 декабрда Туркистон ўлкасига юборган 13444-рақамли "мутлақо махфий" фармойишида яққолқўзга ташланади. Унда ҳукумат губернаторларнинг мазмалардан огоҳ бўлишга даъват қилади: кейинги вақтларда матбуотда 14 миллионли рус мусулмонларининг кўп асрли турмуш тарзини издан чиқариш хавфига сабаб бўлувчи рух пайдо бўлганлиги сезилмоқда. Бу рух татарлар ҳаётида катта бурилишга тайёргарлик жараёни кечаётгани ҳақида тахмин қилиш имконини беради. Бу ўринда вазирлик эътиборни Гаспринский фаолиятига, янги методдаги мактабларга, унинг дарслиги асосида она тилини ўқитиш масаласига қаратади. Татарлар, дейилади фармойишда, ислом ва туркийлик заминида тараққиёт учун интиломоқда. Шунинг учун полиция департаменти бу ҳаракатни ҳар томонлама ўрганиб, шу соҳада фаолият кўрсатаётган муаллифлар, уларнинг мақолалари, "ёш

турклар" билан алоқаси, чет эл марказларида, айниқса Туркияда уларни кимлар рағбатлантираётгани, кимлар томонидан ва қаерда янги усул мактаблари очилгани, кимлар бундай мактабларда дарё бераётгани, кимлар бу мактабларга раҳбарлик қилаётгани каби масалалар ҳақида кенг маълумот сўраган.

1.2. Туркистон жадиidlари ва ҳаракатнинг миллий истиқлол ғояси

Туркистон тарихига оламшумул ўзгаришларнинг муаллифи сифатида кирган жадиdчилик нафақат Марказий Осиёда, балки Евросиёда ҳам ахамиятли из қолдиргани учун у жаҳон афкори илмияси томонидан эътибор билан ўрганилмоқда. Жадиdлар ҳаракатининг маънавий илдизларини ўрганиш баробарида унинг янги-янги ижтимоий — сиёсий, маданий ва маърифий, адабий ва илмий жабҳалари очилишига туртки бўлиши мумкин. Жадиdчиликнинг маънавий илдизлари, умуман олганда, қуйидаги ҳолатларда акс этиши мумкин:

Жадиdчилик ўзининг дастлабки босқичида ижтимоий - сиёсий, маънавий - ҳукукий асосларини Амир Темур тузган марказлашган давлат тизимида кўрди. Бу давлатчиликнинг «Темур тузуклари»да акс этган маъмурий тизимларига интилди ва темурийлардан кейинги қарийб уч юз йиллик тарихда мана шу бошқарув тизими Туркистонда тараққийпарвар рол ўйнашини англади. Шунинг учун ҳам ҳатто 1910-йиллар жадиd драматургиясида Амир Темур сиймосини тирилтиришга интилиш (Фитрат) кучайди. Бу сиймо орқали аср бошларида кечаётган воқеаларга ўз таъсирини ўтказмоқчи бўлди.

Жадиd маданияти маънавий ҳаётда темурийлар даври адабиётининг чўққиси саналган Алишер Навоий ижодини ўзига намуна билиб, ўзига сингдириш орқали янги адабиётни юксалтиришга йўл топди. Жадиdчилар назарида Навоий даҳоси ва ундан кейин яратилган маънавий хазинани «ўзлаштирмасдан туриб» янги адабиёт яратиш ва унинг жаҳон адабиётлари сирасига кўтарилиши мумкин эмас деб қабул қилинди. Шунинг учун ҳам «Чиғатой гурунги» ва бошқа маданий-илмий муассасаларда дастлаб Навоий даври адабиёти, тили, илми ҳамда маданиятини ўрганишга чакириқ сезилади.

Жадиdчилик ўз халқини озод ва юртини обод кўриш шиорини ўртага қўйиш баробарида, унинг олий пировард нияти халқнинг ўз шонли тарихи,

маданияти билан жаҳон афкори умумиясига танитишни истади. Шунинг учун ҳам жаҳонни титратган Темур қиличининг зарблари ва жаҳон адабиётида янги саҳифа яратган Навоий калами жаҳидчилар учун замон тимсолига айланди.

Маънавий ҳаётда иймон ва эътиқодни бош омил деб белгилаганлари ҳолда, ислом динининг қадриятларини ўрта асрларда эришган оламшумул тажрибасига таяниб (мусулмон Ренессанси), уни ҳаётнинг барча жабҳаларида дастуруламал деб билдилар. Фан ва техниканинг сўнгги давр ютуқлари Муҳаммад умматларининг эътиқодига раҳна солмаслиги учун динни ислоҳ қилиш тарафдори бўлишгача етдилар.

Маънавий ҳаётда ва фалсафий таълимотда тасаввуфни, айниқса, нақшбандийлик тариқатини инсонни камолга етказувчи йўл, деб танидилар. Мирзо Бедил фалсафий мактаби ва Аҳмад Дониш таълимоти натижаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Маориф тизими таълим ва тарбия соҳаларни қамраб олинишини назардан қочирмай, дастлабки босқичдаги тарбия муассасалари сифатида жаҳид мактабларини вужудга келтириб, унинг афзалликларини тарғиб қилдилар. Мактабчилик, таълим ва тарбияни яхлит ҳолда олиб борилишига эришиш учун янги дастур, янги дарслик ва қўлланмалар, ҳатто янгича ўқита оладиган мураббийлар етиштиришга уриндилар. Маданиятда жаҳоннинг энг олдинги мамлакатлари қаторига чиқишни истагани учун ҳам хориждаги маданий муассасалар - театр, матбуот, матбаа, кутубхона ва бошқаларни жорий қилишга шошилдилар. Оврупаннинг француз, рус ва турк маданияти ўчоқлари билан боғланишга интилдилар.

Ўзлигини англаш ва жаҳонга чиқиш тил сиёсати билан боғлиқ эканини оммага англашиб, ўз миллий тилини такомиллаштириб, маҳаллий аҳоли томонидан уни тўла ўзлаштирилишига интилдилар. Ўз миллий тилини давлат тили деб эълон қилиш (1921, Бухоро) билан қониқмай, рус ва бошқа хорижий тилларни пухта ўрганишга киришдилар (Беҳбудийнинг «Икки эмас, тўрт тил керак» мақоласини эсланг).

Бадиий адабиётда Навоий даражасида асар ёзишга чоғланганлари учун замона навоийларини жаҳон адабиётининг намуналарини пухта эгаллашга чақирдилар. Янги ўзбек адабиётининг етук намояндалари Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпон даҳоси мана шу йўлдаги интилишларнинг натижаси ўлароқ майдонга чиқди.

Илмий жабҳада жаҳон афкори илмиясини ўзига сингдира оладиган миллий кадрлар яратишни режалаштириб, истеъдодли талабаларни Россия, Туркия, Германия каби мамлакатларга бориб ўқишларини таъминладилар²⁹.

Миллий мустақилликни тараққиётта юз тутишликнинг бош омили деб санаганлари ҳолда, Истиклол ғоясини илк бор кун тартибига чиқардилар, сиёсий қарамликни маданий миллатга ор деб ҳисоблаганлари учун, асосий курашни Туркистон озодлиги учунгина деб эмас, балки бутун Осиёни қарамликда тутишга уринган мустамлакачиларга қарши очиқ курашга қаратдилар. Бу кураш ҳам сиёсий ва иқтисодий, ҳам маданий ва маънавий ҳаётда ўз дастурига эга бўлган узлуксиз давомийликда акс этди. Осиёнинг бошқа ўлкаларида ҳам Жамолиддин Афғоний, Мухаммед Абдух, Махмуд Тарзий, Ганди сингари маданий ва сиёсий арбоблар курашининг моҳиятида бу ҳол ўз аксини топганди.

Миллий мустақилликнинг ашаддий ёви бўлган шўро ҳукумати жаҳидчиликни илдизи билан қўпориб ташлашга бир неча бор уринди, ниҳоят, сталинча қатағон давридагина ўз ниятини тўла амалга оширишга эришди. Собиқ шўролар мамлакатада уларнинг узил-кесил ғалабаси фақат жаҳидчилик бутунлай барҳам топганидан кейингина таъминланди.

Илк бор истиклол ғояларини кун тартибига олиб чиққан, ўз юртини озод ва обод кўришни истаган жаҳидчиликнинг қарийб 100 йиллик тарихини мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихида муфассал акс эттириш Истиклол мафкураси талабларига мос келади.

²⁹Ўзбекистоннинг Янги тарихи. Концептуал— методологии муаммолар» мавзuidaги Республика илмий-назарий анжумани материаллари.- Т.: Академия, 1998. - Б.151-154

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини қайта тиклаган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий — мафкуравий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобида³⁰ ёзилишича, миллий мафкура халқнинг мақсад - муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга факат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл - заковат, иймон - эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиши учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва тахликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир.

Бундан тахминан юз йил мукаддам Туркистонда жаидлар миллий манфаат учун кураш ғоя ва мафкурасини ишлаб чиқдилар. Айнан ушбу миллий истиқлол ғояси Туркистонда мустабид совет тузумига қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий асосини ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жаидларнинг миллий ғояси ва мафкураси бутун миллатнинг миллий истиқлол ғояси даражасига кўтарилди.

Миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини бир-биридан ажратиш қийин. Улар ўзаро яхлит чирмашиб кетган. Миллий мафкура тушунчаси кенг қамровли бўлиб, миллий ғоя унинг ўзаги ҳисобланади. Миллий мафкура миллий ғоя теварагида шаклланади, у жамият ва мамлакат ҳаётининг маданий-маънавий йўналишларидан тортиб, то сиёсий қарашларгача бўлган барча соҳаларни қамраб олади. Миллий мафкура миллий ғояни озиқлантиради ва уни мустаҳкамлайди. Улар халқнинг келажакда қандай қадриятлар асосида ўз давлати ва ҳаётини қурмоқчи, буни қандай тасаввур этади ва ўз курашида нималарга таянади, деган тушунчаларга жавоб беради.

³⁰Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологии муаммолари мавзусида Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Т.: Академия, 1998.-Б.151-154.

Совет тоталитар тузуми даврида Туркистоннинг қарамликда ушлаб туриш мафкурасига қайси ғоялар қарши турган ва улар нималарга асосланган деган саволга миллий тараққийпарварлар ва истиқлолчилик ҳаракатлари ғоялари деб жавоб бериш мумкин.

Жадидларнинг миллий ғоясида қуйидаги икки масала асосий мақсад қилиб қўйилган эди: а) халқимизни дунёнинг маърифатли миллатлардаражасига кўтариш; б) Туркистоннинг ўз мустақиллигига эришуви.

Жадидларнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашларида бу икки масала бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Чунки миллат маърифатли бўлиши учун мустақил бўлмоғи лозим. Мустақил бўлиш учун эса халқимиз энг аввало илм-маърифатни пухта эгаллаши керак эди.

Жадидлар, бир томондан, Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. Иккинчи томондан, улар Туркистонда демократик ҳукукий давлат куриш учун интилдилар. Бу кураш жадидчилик мафкурасининг асосини ташкил қилади. Жадидлар орасидан етук олимлар ва зироатчилик сохаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва мустақил Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун кураш дастурида янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш, қобилиятли ёшларни чет элларга ўқишга юбориш, турли маърифий жамиятлар тузиш, газета ва журналлар чоп этиш ва ушбу билан Туркистонни қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, халққа маърифат тарқатиш, ўлкага мухтоият мақомини беришдан иборат эди.

Шундай қилиб, Тошкент, Андижон, Фарғона, Бухоро, Хива ва Самарандда ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий маориф жамиятлари шаклидаги уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланган эди.

Ота юрт— Туркистонга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси, унинг келажаги ҳақида ташвишли ўйлар, Ватаннинг тараққиёт йўллари режасини

тузиш, Шарқ ва Ғарб анъаналарини бирлаштириш жаидларни бу йўлга ундаган муҳим омиллар ҳисобланади. Туркистондаги жаидчилик ҳаракатининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий "Ойна" журналида қуйидагича ёзган эди: "Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтурсанларни "қул—марқуқ" дерлар". Бу сўз кейинчалик машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов томонидан "манқурт" номи билан қайта кашф этилди.

Беҳбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Мунаввар Қори ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг асарларида жаидлар миллий ғоясининг асосий бўғини — Туркистондаги барча маҳаллий халқларни бирлаштириш ғояси қизил ип бўлиб ўтганлигини кўрамиз. Бу ҳолни Беҳбудий қуйидагича кўрсатган эди: "Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислохотга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожини учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз".

Жаидлар миллий ғоясининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири тарихий онгни ривожлантириш, тарихдан сабоқ чиқариш бўлган. Абдурауф Фитрат 1917 йилда бу ҳақда шундай ёзган эди: "Тарих миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганатурсанлар илмдир".

Ўзбек халқининг бу илғор зиёлилари Туркистондаги идора усули демократия бошқарув шакллари, давлатчилик назарияси ва амалиёти билан фаол шуғулландилар. Ёш бухороликлар, Ёш хиваликларпартиялари "Шўрои Исломия", "Турон" "Миллий истиқлол", "Туркистон миллий бирлиги" ва бошқа сиёсий жамиятларнинг дастурларида давлатчилик масалаларига алоҳида эътибор берилган эди. Бу жаидчиликнинг жамиятни тубдан ўзгартириш, юртимизни мустақилликка эришиш учун кураш бошлаганлигини англатар эди.

Туркистон Россия томонидан босиб олинган вақтдан бери тўхтамаган миллий - озодлик ҳаракати халқнинг миллий ўзлигини англашда, ўз Ватани ва миллатининг озодлиги ва мустақиллиги учун унинг ватанпарварлик интилишларини мустаҳкамлашда улкан таъсир кўрсатди.

Тарих халққа сабоқ ва маърифат беради. Тарихни ўрганмасдан туриб келажакни англаб бўлмайди.

1.3. Янги усул мактабларида таълим ва тарбия

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг: “Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир”, деган сўзлари миллий қадриятларимизни англашда, тарихий хотирани тиклашда ўзлигимизни англашда дастурил амал бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи-назардан ёндашсак, жадиदчилик ҳаракатининг мақсади миллатнинг ўзлигини танитиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ қилиш, миллат, Ватан истиклоли эди.

Шўролар даврида энг кўп ноилмий талқин қилинган, кўплаб намояндалари, раҳбарлари фаолиятини ўрганиш ман этилган давр ҳам мана шу XIX аср охири ва XX аср бошларида вридир. Чунки жадид мутафаккирлари фаолияти заминида мустамлакачиликка қарши мақсадлар, миллий истиклол ғояси ётар эдики, бу ғоя оқ ва қизил империяга бирдай маъкул эмас эди. Шўролар ҳукумати уларга қарши ниҳоятда даҳшатли –ҳам жисман, ҳам маънан йўқ қилиш сиёсатини олиб борди ва йигирма йил ичида уларнинг деярли ҳаммаси қатағон қурбони бўлдилар.

Россия давлат таълим-тарбия тизими билан яқиндан танишган маърифатпарвар Ҳакимхон Тўра Маъсумхон Тўра ўғлининг “Мунтахаб ут - таворих” (“Танланган тарихлар”) асарида баён этилган ислохотчилик ҳақидаги орзулари [1.43.70-71] Бухоро, Хива айниқса, Қўқон хонлигида зиёлиларга, маърифатпарварларга кучли таъсир кўрсатган.

Тошкентнинг Шайхованд Таҳур, кейинчалик шаҳарнинг бошқа турли даҳаларида биринчи "усули жадид" мактаблари очилди. Мунавварқори Абдурашидхонов бундай мактабларнинг кундалик ўқув-тарбия ишларидан тортиб, йиллик битириш имтиҳонларини уюштиришгача, "усули савтия" методини иқтидорли ёш ўқитувчиларга ўргатишдан тортиб, мактабларни замонавий дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашгача ва янги дарсликлар яратишгача бўлган узлуксиз жараённи бошқарди..

Мунавварқори Тошкентда очган усули савтия мактабларида ўзи тузган ўқув дастурлари асосида жамоат олдида очик имтиҳонлар ташкил қилган. Имтиҳонларга ўқувчиларнинг ота-оналаридан тортиб, шариат-дин пешволаригача, ҳатто ўлкада катта эътибор қозонган олиму шоирларни маърифатли бойларни ҳам таклиф қилган. Мана, унинг Наманганга - Исҳоқхон тўра Ибротга йўллаган "Даъватнома"си: "Ҳурматлу ИсҳоқхонхожиЖанобларина!

1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласинда "Хония" мактабинда талабаларни йиллик имтиҳони бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлгон усули жадидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар Сиздан мамнун бўлур эдилар.

Муҳибингиз Мунавварқори, 15 март 1907 йил"[2.8-15].

Бундай имтиҳонлар "усули жаид" мактабларининг ўлка бўйлаб кенг тарқалишига олиб келди. Айниқса, 1899-1903 йилларда Наманганда Исҳоқхон Иброт, Сўфизода, Қўқонда Домла Салоҳитдин, Абдулвахоб Ибодий, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Андижонда домла Шамсиддин, Пўлатжон Қаюмовлар бошчилигида усули жаид мактаблари тармоқлари кенгайиб борди.

Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкаларда қўллаган мактаб соҳасидаги сиёсати шундай эдики, иложи борица бундай усули жаид мактабларини таъқиқлаш, жуда бўлмаганда, уларнинг кенг тарқлишига турли ўсиқлар вужудга келтириш, шу билан бундай мактаблар ривожланишининг олдини олиш эди. Туркисон ўлкасига нисбатан Татаристон, Бошқирдистон, Қрим ва Кавказ ўлкаларида анча илгари бундай жараён кечган ва уларга қарши курашда маъмурият катта тажриба орттирган эди. Бу ўлкаларда ҳам усули жаид мактабларига бўлиб мутаассиб уламолар – “қадимчи”лар қарш чикқан эдилар. Генерал губернаторлик маъмурияти усули жаид мактабдорларига оппозицияда бўлан маҳаллий мутаассиблар “қадимчи”ларни қарши қўйди, бу курашда уларни рағбатлантирди, ўзлари бу мактабларга, уларнинг

ташкilotчиларига қарши турли бўҳтонлар, сиёсий айбномалар уюштирдилар.

Фарғона вилояти ўқув юртларига инспекторининг 1910 йилда тузган, архивда сақланган янги усул мактаблари рўйхатига биноан Қўқон уездида-14 та, Андижон уездида- 5 та, Наманган уездида- 4 та жаид мактаби бўлган.

Қўқондаги янги усул мактаблардан 4 таси 1893-1900 йилларда вужудга келган. Қўқондаги биринчи жаид мактаби 1893 йилда Мираюббой маҳалласида ташкил қилинган. Бу шаҳардаги энг йирик жаид мактабларидан бири бўлган. Ундаги 100 ўқувчига ўқитувчи Аҳмаджон қори ва учта ёрдамчиси таълим берган. 1899 йилда Холибобо маҳалласида масжид қошида янги усул мактаби очилган. Унда 25 ўқувчи ўқиган, кейин ўзбек Хўжахон Аҳмадхўжа ўқитувчилик қилган. Бандул маҳалласида 1899 йилда очилган янги усул мактабда 115 ўқувчи ўқиган ва Муҳаммадхон Муҳаммадов дарс берган. Беш Қовоқ маҳалласи масжиди қошида 1900 йилда очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи бўлиб татар Салоҳиддин Мезитов таълим берган. Булардан ташқари Қўқоннинг Дахма Дихан маҳалласида 1901 йилда, Галчасой маҳалласида 1902 йилда, Бекбачча маҳалласида 1904 йилда ва бошқа янги усул мактаблари ташкил қилинган[3.17].

1913 йилда "Шўро" журналида Қўқондан Аҳлулло Хайрулло ўғлининг "Туркистон вилоятинда усули жаид тарихи" сарлавҳаси остида анча эътиборли мақоласи босилади. Унда ўлкамизда усули жаид мактаблари тарихига оид анча қизиқарли фикрлар мавжуд: "Туркистон вилояти ўлан Фарғона музофотидаги Хўқанд шаҳрина келиб, Хўқанд мусулмонларининг болаларин "усули савтия" ила бошлаб ўқутувчи муаллим Салоҳиддин афандидир. Мунинг отаси (1909 да Хўқандда вафоти) Сирожиддин бобой Симбир губернаси, ёшликда "Ажи" қарасина ҳижрат қилуб, анда муаллимлик қилмиш... Муаллим Салоҳ афанди Хўқанд шаҳрина келуви ила марҳум Аҳмадбой Хўсаинофнинг Хўқандда кўн кебати шўбасида хидматга кирушди. Мунда бир неча ойлар турғондан сўнг Аҳмадбойнинг довериниси Али Асғар афанди Сутушеф жанобларининг ўғлини ўқутмиш. Муаллим афанди бутун

кувватини бир болағағина сарф қилғониға, табиий бир ой ичиндада болаға бик кўб нарсалар билдирмиш. Али Асғар афанди Салоҳиддин афандида муаллимликка иқтидор борлиғини билгач, ўзининг бир неча дўстлари ила маслаҳатлашуб, бир мактаб очуб берарга қарор қилмишлар ва бу тўғрида Аҳмадбойдан ёрдам сўрамишлар. Марҳум Аҳмадбой жавобинда: "Манимхидматимда вақтида олатурғон жалувасин беруб турурман",- демиш. Маслаҳатлар бир ерга жевилғач, бир ерда бир уйни ижарага олуб мактабни очуб, 1900-нчи санада 11 февралда "Бисмилло..." деб, муаллим Салоҳиддин афанди Фарғонада Хўқанд шаҳринда "усули савтия" ила болалар ўкута бошлади...

Абдурауф Шаҳидий , Ҳусаин Макаевлар ҳам усули жаид мактаблари очгани учун ўз ватанларидан (Қозондан- У. Д.) кувғин қилинган, Наманган ва Қўқонда фаолиятларини давом эттирган татар педагоглариدير. Тўрақўрғон қозиси Исҳоқхон Ибрат мактаб очиб, муаллимлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган бу икки педагогии 1906 йилда Тўрақўрғон ва Наманганда очган мактабларига ўқитувчи этиб тайинлади.

1905 йил воқеалари жаидчилик ҳаракатининг янги тараққиёт босқичига кўтарилишига, кўламининг кенгайишига, миллий онг, миллий тафаккурнинг ривожига туртки бўлди. Янги "усули жаид" мактаблари сони маҳаллий мактабдорлар, хур фикрли зиёлилар саъй-ҳаракати ҳисобига анча ортди. Бу ҳол мустамлакачиларни анча ташвишга солди. Фарғона вилояти халқ ўқув юртлари инспектори (назоратчиси) О.Егоров 1909 йилда Туркистон ўлкасидаги рус-тузем мактабларининг аҳволига бағишланган махсус кенгашда куюниб шундай деган эди: "Яқин келажакда янги методдаги маҳаллий мактабларнинг кенг ёйилиши ва уларга нисбатан маҳаллий аҳоли эътиборининг кескин ортиб бориши билан рус-тузем мактаблари батамом хароб бўлади.

"Усули жаид" мактабларини бутунлай ёпиб қўйиш ёки таъқиқлашдан губернаторлик маъмурияти қўрқар эди, чунки бу иш бундай мактабларни яширин равишда ташкил қилишга, айниқса, маҳаллий халқнинг қаттиқ

норозилик ҳаракатига олиб келар, кўплаб ёшларнинг чет элга, биринчи навбатда, Туркияга бориб ўқишига йўл очилар эди.

Маҳаллий педагогларнинг "усули савтия" мактабларини очиши губернаторлик маъмурияти томонидан қаттиқназорат остига олинди. Шу муносабат билан 1909 йилда Туркистон ўқув округи қошидамахсус комиссия "Фармойиш" ишлаб чикди. "Фармойиш" шундай масалаларни ўз ичига олган эди:

1. Маҳаллий мактаблар чор маъмуриятининг махсус рухсатномаси билан очилади.
2. Маҳаллий мактабларни очиш ва унда ўқитиш сиёсий жиҳатдан тўла ишончли бўлган Россия фуқароларигагина рухсат этилади.
3. Маҳаллий мактаб қайси миллат болалари учун очиладиган бўлса, унинг ўқитувчилари ҳам ўша миллатга мансуб бўлиши шарт.
4. Маҳаллий мактабларда фақат Россия цензураси рухсати билан чоп этилган китобларгина ўқитилади.
5. Маъмурий полиция идораларида ишловчи масъул шахслар зиммасига барча маҳаллий мусулмон мактабларини аниқ рўйхатга олиб бориш ва рўйхатдан ўтмаган мактабларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилади.
6. Махсус рухсатсиз мактаб очган шахслар мактаб очиш ва ўқитувчилик ишидан абадий маҳрум этилади.
7. Маҳаллий мактаблар даги ўқитиш ишлари ва улар да жорий этилган тартиб-қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилиб туриш маҳаллий маъмурларга ҳамда мактаб нозирларига юклатилади.

Фармойишнинг ҳамма моддаси маҳаллий миллат фарзандлари учун очиладиган мактабларга бир катта тўсиқ вазифасини бажаради. Учинчи моддадаги таъкидга кўра ўқувчилар қайси миллатга мансуб бўлса, мактаб очувчи муаллим ҳам ўша миллатга мансуб бўлиши керак. Бу билан ички

Россиядан келган татарлар томонидан очилган ва очилаётган "усули жаид" мактабларининг фаолияти тўхтатилди.

"Усули жаид" мактабларида қўллаш учун маҳаллий муаллифларнинг дарсликлари ҳали йўқ даражада ёки етарли эмас эди. Атоқли маорифчи Саидрасул Саидазизовнинг "Устои аввал" алифбо дарслиги ниҳоятда кам миқдорда нашр қилиниб, мактаблар етишмас эди. Мажид Қодирий томонидан яратилган ва 1910 йилда нашр этилган "Ҳисоб" дарслигига қадар Қозонда, Туркияда нашр қилинган математика бўйича турли дарсликлардан фойдаланилди.

"1907-1910 йилларда Қўқон ва Андижон, Самарқандда янги мактаблар очила бошлади. Масалан: Андижоннинг Жалақудуқ қишлоғида Мулла Тоиржон, Мулла Хўжаев, 31нафар ўқувчи, икки нафар маҳаллий ўқитувчилардан бири, Хартум қишлоғида 50 ўқувчи, иккинчиси Дархонда 55 нафар қувчи билан усули савтия мактабларида ўқишни бошлаб юбордилар³¹.

“Усули жаид” номини олган "усули савтия" (товуш методи)га асосланган мактаблар моҳият эътибори билан "рус-тузем" мактабларига қарши вужудга келди. "Усули жаид" мактабларида миллий маънавияти юксак, миллат, Ватан истикболи учун жон қуйдирувчи ёшларни тарбиялаб етиштириш биринчи ўринда турган. Жаид маърифатпарварларининг буюк хизматлари шундаки, улар мактабларда ўз она тилида таълим-тарбия беришга, миллий адабиёт, мусулмон дини асосларини ўқитишга ҳал қилувчи масала сифатида қарадилар. Нафсиламр, XX аср таълим тизими, маърифатига тамал тоши қўйилди.

³¹Тарихнинг номаълум саҳифалари. Учинчи китоб. Т.: Ўзбекистон, 2012

II-боб. Жаидларнинг маънавий-маърифий мероси ва XX аср

2.1. Абдурауф Фитрат адабий-маърифий меросидан.

Абдурауф Фитрат 1921 йилдан Халқ маорифи вазири ва бошқа бир канча масъул лавозимларни бошкарди, янги мактаблар учун дарсликлар яратиш ва нашр килиш ишларига бошчилик килди. Унинг рахбарлигида Бухоро халқ дорилфунуни очиш хақида тарихий қарор қабул қилинди. Ўлка учун олий маълумотли мутахассислар зарур эди. Янги очилган Тошкентдаги Туркистон давлат университетида эса Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги ўзбек ўқитувчилари сиқиб чиқарилган, маҳаллий ёшлар учун турли-туман тўсиқлар авжига чиқмоқда эди. Шунинг учун ҳам Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат Тошкентдаги "Кўмак", Бухоро Халқ жумҳурияси, айниқса, Файзулла Хўжаев ёрдамида 50 дан ортиқ иқтидорли ёшларни Германияга ўқишга юбордилар.

Абдурауф Фитрат ҳамда Файзулла Хўжаевларнинг катта саъй-ҳаракатлари билан Бухоро жумҳурияси анча ривожланиш йўлига кириб бораётган бир пайтда Москвадан юборилган РКП (б) МК котиби Я. Э. Рудзутак бошчилигидаги большевиклар ҳукумати эски жаид зиёлиларидан "тозалаш" сиёсатини бошлади. Биринчи навбатда Фитрат Туркияда ўқигани, катта бой оиласидан чиққани учун рахбарлик лавозимларидан четлатилди. Факат Фитрат эмас, у билан бирга рахбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган Атохўжа, Сатторхўжа, Ёқубзода каби миллат тақдири учун жон қуйдирувчи зукко, илмли рахбарлар ҳам қувғин қилиндилар, уларнинг ўрнини эса етарли илм-малакага эга бўлмаган кишилар билан тўлдирдилар.

Фитрат 1923-1924 йилларда Москва ва Ленинградда яшади, олий ўқув юртларида ишлади, Ленинград университети уни шарқ тиллари ва адабиёти бўйича профессорлик лавозимига сайлади. Ўқитувчилик билан бир қаторда бадиий ижод билан муттасил машғул бўлди.

Ўзбек адабиётида биринчи тарихий фожиа "Абулфайзхон" драмасини, "Бедил", "Қиёмат", "Шайтоннинг Тангрига исёни" асарларини Москвада яратди.

Фитрат 1925 йилда Ўзбекистонга қайтгач, Республика халқ маорифи вазирлигида, лотин имлосига ўтиш комиссиясида ишлади, олий ўқув юртлари учун адабиёт фанидан "Адабиёт қоидалари" (1926) дарслигини, мумтоз адабиётимиз тарихига оид қатор илмий тадқиқотларини, "Аруз ҳақида" рисоласини яратди, навоийшунослик илмига асос солди. Узоқ вақт Самарқанд олий педагогика академияси (ҳозирги Самарқанд Давлат университети)да профессор лавозимида хизмат қилди. Унлаб юқори малакали олимларни тарбиялаб етиштирди.

Абдурауф Фитрат - фаолият доираси ниҳоятда кенг мутафаккир. "Шеър ва шоирлик", "Аруз ҳақида", "Санъатнинг маншай" каби тадқиқотлари унинг юксак малакали санъатшунос-олим эканлигига далилдир. Шу билан бирга, Фитрат мусиқа санъати билан муттасил шуғулланган ва 1927 йилда "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" номли йирик илмий асарини нашрдан чиқарди. Фитрат педагогик фаолияти давомида эстетик тарбия масалаларига ҳам катта аҳамият берган. Юқорида тила олинган асарида таъкидлашича, у бир қанча мусиқа мактаблари, техникумлар очган, мусиқа тўғараклари ташкил қилган, мусиқа санъати аҳлларига катта ғамхўрлик қилган. У "Бухоро шашмақоми"ни ноталар ёрдамида ёзиб олишга бошчилик қилди.

1930 йиллар Абдурауф Фитрат учун илмий-бадий ижодда ҳам, мураббийликда ҳам камолот даври бўлди. Аммо совет ҳукумати ўз мавқеини мустаҳкамлаб борган сари эркин фикрлаш торайиб, жаид зиёлиларига нисбатан таъқиб ва тазйиқ кучайиб борди. Шуларга қарамай, Фитрат янги-янги асарлар яратди, ўсиб келаётган ёш ижодкорларга, тадқиқотчиларга устозлик қилди. Авжи кучга, малакага тўлган бир вақтда - 1937 йил 24апрелда қамокқа олиниб, "халқ душмани", "ватан хоини" каби айбловлар билан 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдирилди.

Абдурауф Фитрат 1956 йилда окланган бўлса-да, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини нашр этиш фақат истиқлолдан кейингина мумкин бўлди. Ҳозирда унинг 4 жилдлик "Танланган асарлар"и нашр этилди, профессорлар Ҳ.Болтабоев, И. Ғаниевлар Фитрат ижоди бўйича йирик тадқиқотлар яратдилар.

Фитрат "Раҳбари нажот" асарида ҳикмат, шижоат, карам, жасорат, сабот, ҳалимлик, иффат, ҳаё, сидқ, қаноат, вараъ каби умуминсоний фазилатлар ҳақида анча кенг тўхталади, уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни тўғрисида гапирганда, Куръони карим оятларига, Ҳадиси шарифга асосланади. Фитрат бундай гўзал фазилатлар билан бир қаторда инсонни тубанликка, фожиага олиб боровчи балоҳат-калтафахмлик, худбинлик, исрофгарчилик, бахиллик, манманлик, қайсарлик, газаб, вақоҳат (беодоблик), инфоқ, хушомад, хирс, ихмол, риё каби инсон ахлоқига зид хусусиятларни анча чуқур таҳлил қилади.

Фитрат ўз асарида таълим-тарбияда оиланинг вазифаси, айниқса оилада, жамиятда аёлнинг ўрни масалаларига кенг тўхталган. Фитрат "оналар башариятнинг тарбиячиларидир" дейди. Лекин мусулмон дини аҳкомларининг моҳиятини тушуниб етмаган одамлар ҳам борки, улар аёлларга фақат ҳайвоний хирсларини қондирувчи бир махлукдай қарайдилар. Уларнинг аёлларимизга қилаётган муомалалари ислом таълимотига бутунлай зиддир. Эркаклар дунё юзини кўрмасларидан то умрларининг сўнгги дақиқаларигача аёл улар учун энг яқин ҳамроҳ, ҳамдарддир. Шундай экан, биринчи навбатда, жамият, ҳар бир инсон аёл зоти ҳурматини ўз ўрнига қўйиши керак. Башарият тажрибаси нгуни тасдиқлайдики, қаерда Ватан обод, халқ фаровон экан, бунинг биринчи боиси аёлларга бўлган юксак ҳурматдир. Шу ринда Фитрат Куръони каримдан Нисо сурасининг ушбу оятини келтиради: "Агар аёлларингизга чиройли муомала қилсангиз ва Оллоҳдан кўрқсангиз (ўзингизга яхшидир). Зеро, Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган Зотдир".

Дарҳақиқат, аёлларнинг инсоният олдидagi биринчи ва энг улуг хизмати таносул ва навъи мавжудиятни ҳимоя қилишидир. Шунинг учун ҳам оналар ҳаёт манбаидир. А. Фитрат мусулмон дини аҳкомларига асосланган ҳолда никоҳ масаласига кенгроқ тўхталади. Оллоҳ таоло эр ва аёлни бир-бирига тааллуқдор қилиб, яъни навъи мавжудиятни сақлаш учун бир-биридан лаззат олувчи қилиб яратди, шунинг билан шахвоний қудратнинг исроф бўлмаслиги учун, беҳаёликнинг олдини олиш учун "суннати санийя" (маъқул йўл) - никоҳни жорий қилди. Шу ўринда Фитрат Имом Бухорийнинг "Ал-жомеъ ас-сахих" асаридан ушбу ҳадисни келтиради: "Сизларнинг баттарроғингиз уйланишга қудрати бўлиб, уйланмай юрганингиздир. Аёлдор кишининг ўқиган икки ракаат намози аёли бўлмаган кишининг етмиш ракаат ўқиган намозидан афзалдир".

А.Фитрат "башар тараққиётининг онаси - илм ва фанлар" ҳақидаги фикрларини тугатгач, "Авлод тарбияси" масаласига ўтади. Бу масалани у "ҳаёт биносининг пойдевори" деб билади. Фитрат инсон фарзандининг икки дунё саодатига эришиш йўлидаги курашида тарбияни уч асосий йўналишга бўлади:

1. Бадан тарбияси.
2. Фикр (ақл) тарбияси.
3. Ахлоқ тарбияси.

Фитрат авлод тарбиясини уч йўналишга бўлиши бежиз эмас. Унинг фикрича, инсон камолотга эришиши учун жисмоний, ақлий (фикрий) ва ахлоқий жиҳатдан уйғун етук бўлиши керак.

Авлод тарбияси фақат хусусий ёки шахсий иш эмас, балки ижтимоий иш, жамият иши, давлат ишидир, чунки ватан истиқболи, миллат тақдири кўп жиҳатдан авлод тарбиясига боғлиқ. "Соғ танда - соғ ақл" деган доно фикрдан келиб чиққан ҳолда фарзанднинг бадан тарбиясига- жисмоний тарбиясига бирламчи вазифа сифатида қарайди: "Бадан тарбия - баданни соғлом ва кучли ҳамда аъзоларни мукаммал даражага етказишдан иборат, бусиз бахт-саодатга эришиб бўлмайди. Одамзод бутун умри давомида сиҳат

ва қувватга мухтож бўлмаслиги амри маҳолдир". Бадан тарбиясида биринчи масъулият онага юклатилади. Фитрат таъкидлаганидек, фарзанд она қорнидалигида, туғилиб, то кўкракдан ажралгунга қадар она ва фарзанд соғлиғи узвий боғлиқликда бўлади. Шунинг учун ҳам онага теккан ҳар қандай касаллик болага ҳам кучли салбий таъсир кўрсатади. Бу даврдаги бола тарбияси она саломатлигини сақлаш орқали амалга оширилади.

Фарзандларнинг жисмоний (бадан) тарбияси ҳамма вақт педагоглар диққат-эътиборида бўлган. Фитрат фикрий (ақлий), ахлоқий тарбияга нисбатан бадан тарбиясини биринчи ўринга қўяди.

Фитрат мактабларда бадан тарбияси масаласига тўхталар экан, "усули жаид" мактабларидаги шароитларни эски мактаблар билан муқояса қилади ва бу тарбияда жаид мактабларидаги имкониятларни ифтихор билан таъриф-тавсиф этади: "Жаид мактабларида болалар учун илмий йўналтирилган ўйинлар жорий қилинган. Болаларни доимо ўйиндан манъ қилиб, калтак зарбида қолдиришнинг зараридан боланинг жисман ривожланиши сусаяди... Биз тарафдори бўлган жаид мактабларида, бунинг учун бизни кофир ҳисоблайдилар, ўқувчиларнинг саломатлиги ва роҳатини шу тариқа муҳофаза қиладилар".

Фитратнинг тарбия ҳақидаги фикрлари чуқур илмийлиги билан ажралиб туради, боланинг жисмонан ривожланишида тоза муҳит, тоза ҳаво ҳамда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамиятига эътиборни қаратади. Эски мактабларда ҳукм сурган калтак, жисмоний жазо, офтоб, тоза ҳаво кирмайдиган зах хоналарда 8-9 соатлаб қадалиб ўтириш мурғак болаларнинг жисман мажруҳ, ақлан заиф бўлиб етишишига сабаб бўлади.

Фитратнинг фикр (ақл) тарбияси ҳақидаги қарашлари ҳам катта эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, одам кўрган, билган, кузатган, ўқиган нарсаларини, воқеа-ҳодисаларини тўғри муҳокама қила олсагина ва улардан тўғри хулоса чиқара олсагина етукликка, камолотга эришган ҳисобланди. Фитрат ақлий тарбиянинг фалсафий, мантиқий жиҳатларига катта эътибор беради. Шу нуқтаи назардан у муҳокама юритиш учун уч нарсани билишни

шарт қилиб қўяди: 1. Исбот. 2. Истиқомат. 3. Суръат. Буни Фитрат шундай изоҳлайди: "Исбот - бу маълум ҳукмларнинг рост ва тўғри бўлишлиги; истиқомат - маълум ҳукмларнинг мажхул ҳукмларга мантиқан тўғри ва изчил кўчиши; суръат эса тўғри ва маълум ҳукмларнинг бетўхтов, батартиб ва тезлик билан мажхул ҳукмларга кўчишига айтилади". Демак, ақлий тарбиянинг асосий вазифаси аниқ тушунчалар ёрдамида илмий умумлашмалар ҳосил қилишга, мавжуд воқеа-ҳодиса ҳақидаги билимларини тартибга солишга ўргатади.

Фитратнинг ахлоқий тарбия масалаларига муносабати Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашларига ҳамоҳанг: Кайковуснинг "Қобуснома", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний", "Футувватномаи султоний" каби асарларининг кучли таъсирини, шу билан бирга, Оврупо ахлоқгуносларининг асарлари билан ҳам таниш эканлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан у дасрларда Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларидаги ахлоқ мезонларини ифодаловчи гўзал, мўъжаз ҳикояларидан фойдаланишни тавсия этади. Лекин Фитрат Шарқ мумтоз ахлоқгунослиги билангина чекланиш мумкин эмаслигини ҳам таъкидлайди. Чунки ёшлар ахлоқни кўпроқ китоблардан эмас, атроф-муҳитдан оладилар: оилада кўпроқ ота-онадан, қариндош-уруғлардан, кўчада ўртоқларидан. Шунинг учун баъзида ота-оналар ўртасида бўлиб турадиган уруш-жанжаллар, ноҳуш воқеа-ҳодисалар бола олдида бўлмаслиги керак. Уқитувчиларгина эмас, ҳатто мактаб қолровули бадахлоқ одам бўлса, албатта унинг таъсири болаларга ўтади. Чунки бола, Фитрат таъкидлаганидек, сувга ўхшайди, сув идишининг шаклини олганидек, болалар ҳам ўзи яшаётган муҳитнинг ахлоқини қабул қилади. Сабаби шундаки, болада ҳали мушоҳада ва муҳокама қобилияти камолот даражасида бўлмайди. Шу ўринда Фитрат "усули қадим" мактабларида ўқитиладиган китоблар ҳақида ниҳоятда қимматли танқидий фикрлар баён қилади, у ёш болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи шаробхўрликка, ошиқ-маъшукликка даъват этувчи риндона газал китоблар ўқитилишини қоралайди, болалар бадий адабиётини

яратиш кераклигини алоҳида уқтиради: "Аммо сиз: "сен таърифлаган бу китоблар ва газалларнинг ҳар бири бир тасаввуфий маънони беради", - деб айтишингиз мумкин. Масалан, шаробдан мурод - илоҳий ишқ, маъшуқа дегани Ҳазрати вожибут Таолодир. Жавобим шуки, бу пинҳоний маъноларни болалар у ёқда турсин, ҳатто муаллимлари ҳам тушунмайди. Улар бу ғазаллардан фақат шарбатхўрлик ва маъшуқабозликни тушунишади ва ахлоқлари бузилади, вассалом". Фитрат таъкидлаганидек, Алишер Навоий, Фузулий, Машраб ва бошқа улуғ шоирларнинг асарлари канчалик чуқур маъноли бўлмасин, уларнинг ботиний тарзда ифодаланган илоҳий ғояларини мурғак ўқувчилар идрок қилиш даражасида бўлмайдилар. Шунинг учун ҳам XX аср бошларида мактаб ўқувчилари учун дарслик яратиш ўта долзарб масалалардан эди.

Фитрат "Раҳбари нажот" асарида бадан тарбияси, ақл тарбияси ва ахлоқ тарбиясини бир-бири билан боглиқ равишда олиб бориш кераклигига, улардан бирортасида сустлик бўлса, инсон икки дунё саодати учун кураш майдонида мағлуб бўлажасига ўқитувчи эътиборини қаратади.

Фитрат катта ишонч билан таъкидлаганидек, одамлар икки дунё саодатига эришмоқликлари учун бир-бирларининг қўллаб-қувватлашларига, бирлашиб фаолият кўрсатишга муҳтождирлар. Ҳар бир инсон миллат саодати учун қўлидан келган ёрдамини бериши керак. Афсуски, ўз шахсий манфаатларини умум манфаатидан устун қўйишдек ёмон иллат инсонларга хосдир. Бу худбинликни Куръони каримда қаттиқ қоралаб, жўмардликни, саховатпешаликни юқори мартабага кўтарган: "Оллоҳ йўлида молларини инфоқ - эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди (яъни қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда)".

Демак, Оллоҳ таоло миллат саодати йўлида мол-мулкни эҳсон қилишга даъват этмоқда. Шундай хулосага келиш мумкинки, миллат эътиборли, шарафли, саодатли бўлмагунча шахс қанчадққ бойликка, мартабага

эришмасин, у эътиборли, шарафли бўла олмайди. Бунинг учун нима қилиш керак?

Хайр-эҳсон яхши нарса, аммо камбағалларга садака улашиш билан миллатнинг мушкулини осон қилиб бўлмайди. Бунинг учун, дейди Фитрат, турли соҳалар бўйича хайрия жамиятлари тузиш, саховатли, миллатпарвар сармоядорларни бирлаштириш, халқ, ватан манфаатлари учун заводлар, фабрикалар қуриш, миллатнинг истикболи бўлмиш ёшларга замонавий билимлар берадиган ўқув муассасалари ташкил қилиш керак. XX аср бошлари жадинчилик ҳаракатининг буюк намояндалари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний фаолиятларини кузатар эканмиз, улар хайрия жамиятлари тузишга биринчи даражали масала сифатида қараганлар. Ҳозирда дунё миқёсида катта фаолият кўрсатаётган жамиятлар, жамғармалар борки, улар халқаро миқёсдаги маърифий-маданий ишларни амалга оширадилар.

Фитрат ўз асарини "Раҳари нажот" ("Нажот йўли") деб номлади, чунки у жаҳолат, нодонлик исканжасида қолган халқ, Ватан учун нажот йўлини Қуръони мажиддан қидирди. Мусулмон дини илм-маърифатга етакловчи диндир. Қуръон оятлари, пайғамбаримиз ҳадислари илм-фан, тараққиёт асоси ва сарчашмаси эканлигини кўрсатади. Бу эзгу мақсадга эса фақат "усули жадин" мактаблари воситасида эришиш мумкин, деган ғоя асарга сингдирилган.

Фитрат "Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадин мактаблари хусусинда қилган мунозараси" асарида ҳади 1909 йилдаёқ. қуйидаги сўзларни ёзишдан чўчимаган, цензура ҳам уларни ўтказишга мажбур бўлган эди: "Ислом бизнинг динимиздир, ислом бизнинг шарафимиз, ислом бизнинг саодатимиздир. Ислом бизнинг сарафрозлигимиз боиси, ислом осойишталигимиз сабабчиси. Исломни бизга Пайғамбаримиз омонат топширганлар. Бухоро бизнинг муқаддас ватанимиздир, Бухоро бизнинг меҳрибон онамиздир, Бухоро бизнинг нашъу намо жойимиз, Бухоро бизнинг саждагоҳимиздир, Бухоро бизнинг азиз маъшуқимиздир, Бухоро

бизнинг жонимизла баробар маҳбубимиздир, Бухоро биздандир, биз Бухородан. Бас, бу қадар ғафлат ва танбаллик, беҳабарлик ва жоҳилликда ўтирганимиз. Бу дини мубинимизнинг нобуд бўлишини, бу муқаддас ватанимизнинг поймол этилишини камоли шарафсизлик билан қабул қилғонимизни на шариат, на урф-одат қабул қилмайди. Балки олам оқиллари, жаҳон жамиятбандлари бизни лаънат қилиб, инсоният йўлидан четда ҳисобламоқдалар³².

Хорижда нашр бўлгани ва Бухородаги энг «мунозара»ли масала — жаҳид ва қадим курашини акс этгаргани учун бу асарнинг ўз юртида тарқалиши жуда қийин кечган. С.Айнийнинг гувоҳлик беришича, «Мунозара»нинг бир қисми йўлда рус цензорлари қўлига тушиб, йўқ қилинган бўлишига қарамай, у Бухорога яширин келтирилган. Фитратнинг бошқа бир замондоши Файзулла Хўжаевнинг қайдига кўра, рус охранкаси нафақат Фитрат асарини, балки уни ўқиган, келтирган кишиларни ҳам қаттиқ таъқиб остига олган. Шунинг учун бўлса керакки, «Не подлежит оглашению» муҳри билан Тошкентда полковник Ягелло таржимасида жуда оз нусхада бостирилган³³. Асар таъқиб қилинганига қарамай жаҳидчилик ҳаракатининг устозларидан МаҳмудхўжаБехбудийнинг тавсияси билан Ҳожи Муъин Шукруллоҳ ўғли томонидан туркча (ўзбекча)га таржима қилиниб, 1911 йилда дастлаб, «Туркистон вилоятининг газети»да, сўнгра эса, алоҳида китобча ҳолида «Туркистон кутубхонаси» рукнида чоп қилинган³⁴. Бу таржима сахнага мўжалланган вариант бўлганлиги учун, тез орада Тошкент ва Самарканд театрларида қўйилган.

Таржима, аввало, томошабинлар-савияси ва сахна имкониятларини назарда тутиб бажарилгани учун, асарнинг муҳим ўринлари тушиб қолган, унинг тил ва услуби ҳам томоша асарларининг «тили»га қараб тортилган. Қолаверса, қисса Амир ва Рус ҳокимияти томонидан таъқиб қилиниш даврида сахнага чиққани учун ҳам, ундаги сиёсий шарҳлар тушиб қолган,

³²Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. 2000, Б. 96-97

³³ Фитрат бухарец. Спор индийского мударриса с европейцем в Индии о новометодных школах. Истинный результат обмена мыслей. Первое издание.

баъзи қаҳрамонлар ва тилга олинган тарихий шахсларнинг номлари ҳам ўзгартирилган (масалан, ёш усмонлилар ҳаракатининг йўлбошчилари Анварбек ва Ниёзийбек ўрнига Лев Толстой ҳақида лавҳа киритилган). Шунингдек, қиссанинг ўзига хос «Муқаддима»си ўрнига, «Мутаржимдан» сарлавҳаси билан кичик сўзбоши берилган ҳамда асарнинг Бухоро амири ва ахли ватанга хитобан ёзилган «Хотима»си ўрнига Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Мунозара ҳақида» сарлавҳали рус-тузем мактабларининг тарғибига бағишланган сўнгсўзи қўшилган. Шунга қарамай, Фитратнинг асари ўз она юртида ҳам, шарқ ва ғарб ўлкаларида ҳам машхур бўлиб кетган. Унинг форсий матни Бомбайда (1929), Қарачида (1942) ва Душанбеда (1996) қайта нашр қилинган. Шундай жаҳонгашта асарнинг турли сабаблар билан ҳозирги ўзбек китобхонларига етиб келмагани туфайли, уни форс тилидан қайта таржима қилишга ва айрим изоҳталаб ўринларини шарҳлашга эҳтиёж туғилди.

Юқорида қайд этилганидек, «Мунозара»нинг илк танқидчиси ҳам, ношири ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий бўлган. Улуғ аллома асарнинг замона учун энг муҳим хусусиятларини таъкидлар экан, шуларни ёзади: «Усули жадида мактабларини(нг) нафлиги ва фунун замонида таҳсилининг бухорийлар учун лузуми тўғрисида Фаранги афанди ила Мударриси бухорий жаноблари ораларинда бўлган баҳс ва суҳбат «Мунозара» исмида бир рисола шаклинда форсий тилда табъ ва нашр бўлибдир. Бизда кўздан кечирдикки, ҳақиқатан бухорийлар учун нафъийдир. Фаранги ва Мударрис тилидан бу муҳим баҳслик рисолани таҳрир этувчи ва ҳам табъиға арзи ташаккур қилурмиз. Иншооллоҳ, бу рисола бухорийларнинг уйғонмоқиға боис бўлиб, «Мунозара» муҳарририни раҳмат ила ёд этарлар»³⁵. Бу каби тавсияномадан ҳамда Туркистон театрлари³⁶ Фитрат. Ҳиндистонда бир

Напечатано в Стамбуле, в Мусульманской типографии. / С персидского перевел полковник Ягелло. Не подлежит оглашению. — Т.: Электро-паровая типография-литография штабе округа, 1911. - 98 с.

³⁶Мутаржими Муаллим Ҳожи Муъин ибн Шукруллоҳ Самарқандий. - Т.: Туркистон кутубхонаси, 1331/1914, Б. 41

фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча маъсалалари ҳам усули жадида хусусинда қилган мунозараси саҳналарида ва бошқа театр труппалари томонидан қайта-қайта ижро этилгани учун ҳам асар зиёлилар ўртасида катта мунозараларга сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам, ушбу асарга «Туркестанские ведомости» газетаси В. Андреевнинг «Бухорода янги оқимлар» номли мақоласи (1916) орқали муносабатини англантишга мажбур бўлган³⁷.

Асарга илк муносабат ўз даврида Истанбулда чиқадиган «Сироту-л-мустақим» жаридасида билдирилган. Мазкур нашрдаги туркум мақолаларида Гиёссидин Ҳасаний Бухоронинг аср бошларидаги ахлоқи руҳиясини таҳлил қилар экан, ундаги таълим тизими билан боғлиқ қатор можароларни «Мунозара» воситасида изоҳлашга ҳаракат қилган. 60-йиллардан сўнг бу асар Америка ва Ғарбий Оврўпа олимлари томонидан талқин ва таҳлил этила бошлаган. Америкалик машҳур туркшунос олим Э. Оллвортнинг «Ўзбек адабий сиёсати» (1964), француз олимаси Элен Каррер д'Энкоуснинг «Ислом ва Рус империяси» китобларида чуқур таҳлил этилиб, ўз ижобий баҳосини олган. Шунингдек, олмон олимаси И.Баддауфнинг тадқиқотлари ва, ниҳоят, Хисао Кўматсунинг қисса таҳлилига бағишланган алоҳида рисоалари эълон қилинган. Ўзбек ва тожик насридаги илк замонавий қисса сифатида баҳоланган асар 60-йилларнинг охиридан Ўзбек ва тожик олимлари томонидан ҳам тилга олина бошлаган. Дастлаб, Холиқ Мирзозоданинг «Демократ жаҳид адабиёти» мақоласида³⁸, сўнгра, Ўзбек олимлари Э. Каримов, Б.Қосимов, А. Алиев, Б. Эргашев ва Г.Рахимова кабиларнинг тадқиқот ва мақолаларида таҳлилга тортилган³⁹.

Улуғ юнон файласуфи Афлотун асарлари услубида, яъни суҳбат-баҳс тарзида ёзилган «Мунозара»да, нафақат ахли Бухоро, балки бутун Туркистон ёки жумлаи шарқ ўлкаларидаги таълим масалалари борасида фикр

³⁷Бехбудий М. «Мунозара» ҳақида. // Туркистон вилоятининг газети. — 1911. — 29 сентябр. - 73 сон.

" МирзозодаХ. Адабиётидемократиижаҳид. // СадоиШарк. — 1968. — № 4.

39 Каримов Э, Развитие реализма в узбекской литературе. — Т.: Фан, 1976; Қосимов Б. Фитрат. / Маслакдошлар. - Т.: Шарк НМАК, 1994; Алиев А. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат. - Т.: 1994; Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно — политических идей джадидизма. Идеология младобухарцев. АДД. - Т.: 1993; Рахимова Г. «Мунозара» — уйғониш даракчиси. // УзАС. - 1989. - 29 декабрь.

юритилади. Қисса негизига асос қилиб олинган зиддиятларнинг илдизи, фақатгина таълим тизимининг архаик усули доирасида қолиб кетмайди, балки Бухоро зиёлиларининг шундай жаҳолат ботқоғига ботиб қолишига ва халкнинг ночор ва қашшоқ турмуш кечиришига сабаб бўлган иллатлар Фаранги ва Мударрис баҳси воситасида очиб берилган. Муаллиф иллатларнинг заминини ошкор этиш оркали калаванинг учини бевосита Бухородаги амирлик тузуми ва Бухоро юртини мустамлака тупроғига айланишига сабабчи бўлган Амир Олимхон ва унинг аъёнлари ҳамда мамлакатда ўз ҳукмини ўрнатган рус маъмурларининг зулми каби масалаларга боғлайди. Шунинг учун ҳам асар уч томонлама — ҳам Бухоронинг жоҳил муллалари, ҳам амир ва унинг амалдорлари, ҳам Туркистондаги рус ҳокимлари ва, боринги, бевосита Петербургдаги ҳукмрон доираларнинг аралашуви воситасида қаттиқ қаршиликка учраган.

Асарда фош қилинишича, доимий аҳолисининг нуфузи 10 миллион бўлган Бухоро музофоти Россия ҳужумлари туфайли атиги икки миллион кишигагина эга бўлган кичик бир ҳудуд бўлиб қолган. Унинг атиги етмиш минг нафари пойтахт ҳисобланган Бухоро шаҳрида яшайди. Фитрат ўн турфа синфга бўлинган, бу етмиш минг аҳолининг ўндан тўққиз қисми зарурий хат-саводга эга бўлмаган кишилар эканини ачиниш ҳисси билан баён қилган. Эндиги муҳим масала, ўша хат-саводга эга бўлмаган аҳолини ўқитиш эмас, балки зиёлиларнинг ҳам билим ва савияси ҳаминқадар эканини кўрсатиш оркали қадимдан «ислом динининг куввати»га айланган Бухоро ва унинг алломалари кадрини орттириш ҳамдир.

Микдор жиҳатдан олиб қараганда, атиги уч ярим минг кишини ташкил этадиган зиёлилар, асосан, Мадраса мударрислари ва муллабаччалар қатлами ҳам шиа ва сунний, жаид ва қадим сингари муҳолифатлар асосида ўзаро нифокда бўлишган. Фитратнинг талқинича, зиддиятнинг ўзаги таълим тизимидагина эмас, балки ўша таълим тизими ни манфаат ва иқтисод куролига айлантириб олган зиёлиларнинг савиясида.

Мусулмон ўлкаларида, табиийки, таълим тизимининг асоси Қуръон ва унинг тафсири, Ҳадислар ва мўминларнинг Пайғамбаримиз ахлоқлар билан зийнатланиши каби масалаларга қурилган. Фитрат бу жиҳатни бир мусулмон зиёлиси сифатида асло инкор этмайди, ҳолбуки, айрим шўро ва рус олимлари томонидан асар шу руҳда ҳам талқин қилинган. Бироқ ўша мусулмон таълимотининг асоси саналган Қуръон ва Ҳадис илмининг ўқитилиши талаб даражасида эмаслиги, атиги уч-тўрт йиллик тахсили давомида ўрганилиши зарур бўлган билимлар ортқча «мусахрофот»лар эвазига, йигирма йилга қадар чўзилиб кетиб, киши умрининг асосий қисмини банд қилиб қўйиши ва бу каби нодонлик билан боғланган айрим зиёлилар аҳли Бухоронинг аҳволидан мутлақ беҳабарлиги масаласидир.

Маълумки, барча жамиятларда аҳолининг асосий фикр қатламини зиёлилар ташкил этиб келган. Аср бошларига келиб ўзаро низо ва билимсизлик, мусулмон ахлоқига тўғри келмайдиган бадхулқлилар билан шуғулланиш натижасида умумжаҳон тараққиётидан анча ортда қолиб кетган зиёлиларнинг ҳолати асарда реал кўрсатиб берилганки, бундан мурод — жамият ўзининг аҳволини худди ойнадаги кабакўрсин, ўзининг камчил ва устун жиҳатларини англасин ҳамда Бухоро музофотида ҳам зиёлилар етакчилиқни ўз қўлларига олсин, деган мантиқ сингдирилган.

Масаланинг муҳим жиҳати муаллифга тинчлик бермаганини қиссанинг ҳар бир воқеасидан, сюжет чизиғию композицион қурилишидан аниқ илғаш мумкин. Асарнинг «Мунозара» деб олинishi ва кўхна суҳбат усулини тайин қилиниши ҳам бевосита муаллиф ниятларининг амалга ошиши учун бажарилган вазифадай туюлади. Қолаверса, бундай усул нафақат қадимий, балки икки аср бўсағасидаги мураккаб ижодий воқеалар силсиласини англантиш учун замонавий услуб даражасига кўтарилган эдики, бунинг тасдиғини ғарб адабиётида ҳам, мусулмон шарқ алломаларининг асарларида ҳам учратамиз.

«Мунозара» фақатгина жаҳидчилик қарашлари ифодачисигина бўлиб қолмай, балки, бир томондан, муаллифнинг «Раҳбари нажот» (1913),

«Мавлуду шариф ёки хайрул башар» (1914), «Мухтасари тарихи ислом» (1915), «Ойила» (1916) каби асарларидаги диний-фалсафий фикрларнинг ибтидоси билан боғланса, иккинчи томондан, ижодкорнинг айна ўша даврда яратилган «Ҳинд сайёҳи баёноти» асарида баён килинган ўз юртини мустақил, озод ва обод кўрмоқ истаги билан йўғриладики, бу мураккаб асарни тушунишда, табиийки, Фитратнинг бошқа публицистик ва бадиий асарларини ҳам назардан ўтказишга тўғри келади. Жумладан, Истанбулда ёзилган «Бухоро вазири Парвоначи Насруллоҳбек ҳазратина очик мактуб»да, кейинроқ чоп этилган «Жоҳилона таассубга мисол»каби мақолаларда ҳам бу каби кайфиятлар жуда аниқ очиб берилган. Шунингдек, Фитратнинг мазкур қисса доирасида зухур бўлган қарашларини англашда унинг «Шарқ сиёсати», «Йиғла, Ислом» сингари публицистик рисоалари ҳам кўмак бериши шубҳасиз. Хуллас, асарнинг умумий руҳи, унда акс этган масалалар қамрови ва мушкул муаммоларни тушунишда, шўро даврида урф бўлган турли «изм»лар ўртасидаги сарсон таълимотларга эмас, балки Фитратнинг ўз асарларига таянилгандагина кутилган мақсадга эришиш мумкин.

Халқимиз ўз мустақиллигини тиклаётган шароитда бевосита кун тартибига қўйилган қатор ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий, маърифий ва маданий муаммоларнинг ечимига ҳам бу асар ёрдам бериши, шубҳасиз.

Ҳар қандай жамиятда ҳам оила ижтимоий тараққиёт манбаи ва ахлоқий тарбия ўчоғи бўлиб келган. Шунинг учун ҳам инсоният улуғлари оилани нафақат жамият, балки давлатчилик асосларининг қурилишида ҳам илк мактаб деб билганлар. Миллий тараққиётга юз тутган мустақил юртимизда комил инсонни тарбиялаш ва ҳуқуқий давлатчилик асосларига пойдевор қуриш даврида 1998 йил оила йили деб белгиланганлиги бежиз эмас. Нафақат ижтимоий ва сиёсий, балки маънавий ва маърифий аҳамиятга молик ушбу ҳолни биргина исломий оила тимсолида англаш ҳам мумкин.

Ислом дини ҳар соҳада инсоннинг камол топиши учун имконият яратган, унинг камолотига нимаики наф келтирса, ўша асосда тузуклар

белгиланган. Бу ҳақдасўз юритилмоқчи бўлган асар муаллифи шундай ёзади: «Ҳақиқатан, ислом дини бисер баркамол дин бўлиб, табиатконунларига мувофиқдир. Фойдани зарардан адолат билан кам-кўстсиз ажратади. Одамларга нимаики фойда келтирса, ижозат бериб, зарар келтирадиган нарсаларни манъ қилади». Худди шу каби оила муқаддаслиги ва оилали бўлиш масъулияти ҳақида Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги ҳикматларда бисёр айтилган фикрлар мавжуд. Мусулмончиликнинг дастлабки талабларидан бири ҳам ўз оиласи ва фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатдир. Зеро, инсон ана шу муҳаббатдан туғилган, оиладаги илк оналик меҳри ва оталик муҳаббати билан йўргакланган. Гўдакнинг инсоний сифатлари камол топишида ҳам мана шу меҳр-муҳаббат тарбия "муассасаси" ҳисобланади.

Мутафаккир адиб Абдурауф Фитрат «Ойила ёки ойилани бошқариш тартиблари» асарида англатишича, «ойиланинг шаклланиши, яъни «ахли байт» жамоаси, бошқача қилиб айтганда, хонадорлик (оила бошқариш)га асос солиш бани Одам маданиятининг асосидир». Шунинг учун ҳам «оила қаерда кунлик интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кўпли ва муаззам бўлади... халқнинг давлатманд ва бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, факрлик жомасини кийиб, ўзгаларга тобеъ, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ»⁴⁰. Бунинг дастлабки инсоний ва исломий шартларидан бири эса, «издивож суннати» (уйланиш зарурлиги)дир.

Имом Бухорий саҳиҳ(севмак) ва бахт майли меъёри билан тарбияланиши, киши ўзига мафтун бўлар даражада хубби нафс бўлмаслиги ва ўзининг бахт майлига интилиши натижасида бошқа инсонлар саодатига раҳна солмаслиги ахлоқий тарбиянинг муҳим шартларидандир. Ушбу жараёнда фаолият майли тарбияси муҳим бир ўринда туради, чунки муаллиф назарида Бухоро миллати шундай фаолиятсизликка кўникканки,

40 Фитрат. Ойила (Вазифаи хонадори). — Боку: Мирза Абдулвоҳид Мунзим нашр., 1916. - Саҳ. 11.
Мазкур мақала журнал тавсиясига кура «80 йилда эскирмаган рисола» сарлавҳаси билан эълон қилинган эди. Қаранг «Шарқ юлдузи». — 1999. — 1

«манфаатимизни йўқотсак ҳам унинг пайида бўлмаймиз, икки-уч одам олдида сўзлаёлмаймиз, даъвоимиз исботида ожиз қоламиз, ғанимлардан бизга етадиган зулм-ситамларга тоқат қиламиз, қутилишимиз ва нажот йўллари йўламаймиз». Ана шунинг учун ҳам, наинки Бухоро миллати, балки бутун Туркистон халқи ўз фарзандларининг тарбияси билан чуқур машғул бўлиши, бу йўлда замонавий илм ва воситалар билан тадорук кўриши жоиздир.

Айни йўналишда ижтимоий тамойиллар, яъни алоқа майли, ўзгаларга меҳр-муҳаббат, таназзур (ибратли бўлиш) шартлар» белгиланади. Бу каби тамойиллар олий даражага етиши ва майли вукуф (воқифлик), хубби бадеъ (эстетик дид) ва хубби фазилат (фозиллик сифати) шаклланиши билангина инсон замонавий кишилар тоифасига яқинлашиши мумкинлиги англатилган. Ақлий ва ахлоқий тарбиянинг бу каби зарур назарий жиҳатларини тушунтириб бўлгандан кейин тарбиянинг энг муҳим ва мушкул қисми мактаб ва муаллимлар зиммасига тушишини эслатиш баробарида, фикр мактаб муаммоларига кўчирилади.

Маориф ва мактабчилик соҳасидаги Фитратнинг қарашлари биргина бу рисолада эмас, балки «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти» ва бошқа кўплаб асарларида ҳам акс этган. Бирок ушбу китобда илк тарбия ўчоғи бўлган мактаб муаммолари етарли таҳлил қилинган. Ота-онанинг бу жиҳатдан вазифаи аввали болани мактабга топширдим, деб қўлни қовиштириб ўтирмаслик, фарзанд мактаб ёшига етгач, мактаб билан боғлиқ ҳолдаги тарбиявий ишларга эринмай тушунтириш берган. Ушбу масалада мамлакат ҳолини хароб қилган, истиқболини хатарга солган энг катта муаммо — хотин-қизлар тахсили заруриятини ўртага қўяди. Чунки фарзанднинг, умуман, миллатнинг илк тарбияси аёллар қўлида кечади. Илм ва идрок эгаси бўлмаган ноқобил она ўз фарзандининг ҳам қобилиятсиз бўлиб қолишига шерик бўлади. Бас, шундай экан, қизлар тахсили миллат учун энг зарур бўлган муаммо даражасига кўтарилиши, худди эрлар каби улар таҳсил ва такомилга лойиқлиги Қуръоний далиллар билан исботланган. Кейинги бобда ота-

онанинг фарзанд олдидаги ҳуқуқлари ва фарзанднинг ота-онага ворислик бурчлари ҳақида сўз юритилади. Бу соҳаларнинг ҳаммасида инсоф ва иймон ҳар бир мусулмон фарзандининг кўрки бўлишлиги уктирилади ҳамда етимнинг ёки гўдакнинг ҳақини эслатиш билан оиладаги тарбияга бағишланган ушбу гўзал рисола ўз нихоясига етади.

Бироқ ушбу асарга мантиқан уйғун келган, мамлакатни қолоқлик ва жаҳолат ботқоғидан, миллатнинг хорлик ва парокандаликдан чиқиши учун нажот йўлини излаган ва кўрсатишга ҳаракат қилган «Раҳбари нажот» асарида «Ойила»даги қарашлар давом этади. Рисолада «Ойила тарбияси» номли алоҳида бир боб мавжуд бўлиб, бобда муаллиф нафс тарбияси борасидаги фикрнинг давоми сифатида ёзади: «Бинобарин, нафсингизни ислоҳ қилишга муваффақ бўлсангиз, у вақтда ойила вазифаси сиз учун осон кечади. Ойила вазифасига ойилани ташкил қилиш киради ва биз бу ерда ойилани ташкил этиш ва бошқариш хусусида андак баҳс юритамиз». Фитрат табиатдаги барча мавжудотдаги икки хил мавжудиятни фарқлаган ҳолда, улардан бири, шахсий мавжудият, иккинчиси навъий мавжудият деб кўрсатади. Бу икки мавжудлик қонунлари бири иккинчисини рад этмайди ёки уларни ўзаро қарама-қаршиликда эмас, балки ҳар иккисини бирликда қабул қилиш лозим келади. Чунки «еб-ичиш, ухлаш, бадан тарбияси, соғлиқни сақлаш» ва бошқалар шахсий мавжудиятни сақлаб туради. «Таносул ва насл бериш» эса навъий мавжудиятни ҳимоя қилади. Агар бирор киши шахсий мавжудиятни тарк этса, у секин-аста ҳалокатга юз тутаяди, навъий мавжудиятни тарк этишлик эса, биргина шахснинг эмас, балки жамиятнинг таназзулига олиб келади: «агар барча одамлар ё уларнинг кўпчилиги таносул ва таваллуд қоидаларини тарк этишса, башарнинг навъий мавжудияти маҳв бўлади, яъни одам насли барҳам топади. Яратувчи Ҳазрати Ҳакимнинг ҳикматлари бениҳоя, бу таҳликали йўлни одамларга фойдали қилиб боғлаб қўйган. Эркагу аёлнинг табиатига шаҳватни кўшиб, уларни бир-биридан лаззат олувчи қилган, натижада таваллуд ва насл давом этади». Инсон шаҳватга берилмаслиги, бундай мавжудлик қонуниятини беҳудага

сарфламаслиги учун никоҳ жорий қилинган. Шундай экан, никоҳ нафақат биргина оилани тартибга солади, балки жамиятнинг навъий мавжудлигини ҳам белгилайди. Ана шу нуктаи назардан қаралганда, оила эр-хотиннинг майл ва истакларидан пайдо бўлган эмас, шу билан бирга жамиятнинг тараққиёт талабларини ҳам оила, қонуний никоҳ тартибга солиб туради. Асар орқали уйланмаслик ёки турмуш қурмаслик башарият манфаатига қарши бориш ва охир-оқибатда эса, жамиятга ҳам зарар эканини қуйидаги ҳадис билан изоҳлайди: Уйланинг ва фарзандлар кўринг, мен қиёматда умматимнинг кўплиги билан фахрланай» ёки «Сизлардан баттарроғингиз уйланишга қудрати бўлиб, уйланмай юрганингиздир. Аёлдор кишининг ўқиган икки ракаат намози аёли бўлмаган кишининг етмиш ракаат ўқиган намозидан афзалдир».

Эркагу аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида XX аср бошларида нафақат жадиждчилар, балки бундан бир минг уч юз йил аввал Қуръони карим оятларида ва бунга мувофиқ тарзда ҳадиси шарифларда баён этилгани эслатилади: «Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидага бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор»". Сўнгра яна Фитрат ёзади: «Биргина шу оятнинг аҳамияти шунчалик каттаки, унинг тафсири китобга сиғмайди. Фаранг уламолари ва ҳукамолари юзлаб китоблар ёзиб, эру хотин ҳуқуқлари хусусида шу оятдан ҳам катъийроқ бирор қонун ўйлаб топганлари йўқ. Ҳа, хотинлар барча ҳуцуц ва вазифаларда бизлар билан баробардирлар». Яна бу фикрларини қувватлаш учун ҳадислардан мисоллар келтиради: «Сизларнинг яхшироғингиз аёлларингизга яхши муомалада бўлганингиздир», «Ахлу аёлига яхши муомалада бўладиганлар мурувватли ва жувонмард инсонлардир, уларга ёмон муомалада бўлганлар эса пасттабиат ва ноқаслардир». Муаллиф шу каби «аёллар ҳақида ислом динида ворид бўлган олий ҳукмларяни келтириб, сўнгра фикрни авлод тарбиясига кўчиради, чунки «авлод тарбияси ойиладаги вазифаларнинг бири» бўлиб, бу «масъала ҳаёт биносининг пойдеворидир.

Ҳаёт биносини куришда ва таракқий топтиришда авлод тарбиясининг ролини таъкидлар экан, Фитрат уч нарса тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқ муҳимлигини кўрсатади. «Раҳбари нажот» асарида уларнинг ҳар бири алоҳида боблар орқали таҳлил қилинади. Сўнгра мана шу тарбия учун зарур бўлган турли хил вазифаларни олим жамият аъзолари олдига қўйиш билан ўз рисола — тадқиқотини якунлайди.

Таносул ва наел қолдириш оила куришнинг матлабларидан бири экан, Фитрат оила куришга ҳалақит бераётган шум одатларни бирма-бир таҳлил қилади. Тўйдаги ортиқча ҳаражатлар, бунинг оқибатида ёшлар турмуш курганларидан кейинги қийинчиликлар, қалин олиш ёки тўёна деб катта маблағлар олди-берди қилиш; тўйнинг бир неча кун давом этиши қабиларни олим юқорида эслатилганидек, «шум одат» деб атаб, унта қарши қўйидагича ҳадис келтиради: *«Никохнинг афзали унинг осонлигидадир», «никоҳида оғирлиги кам бўлган аёлда хайру барака кўпдир»*. Шунингдек, Фитрат ёшларга мурожаат қилар экан, кимга, яъни қандай қизларга уйланиш кераклиги ҳақидаги қарашларини баён қилади.

Алломанинг аниқлашича, кишилар *тўрт нарсага қараб уйланадилар: молига, насабига, жамоли ва динига*. Мана шу тўрт ҳолат юзасидан таҳлил ва кузатишларини баён қилиш натижасида молдорнинг маълум вақт ўтгач моли тугаши; насл-насаби тоза бўлса, уни яхши парвариш қилмаса, бу насл-насаб кейинги шахсий ҳаётда иш бермаслиги; қизнинг жамоли абадий эмаслиги ва биргина ташқи гўзаллик кейинчалик гўзал турмушнинг омили бўла олмаслигини уқтириш баробарида иймон-эътиқодда собитликни уйланиш учун муҳим жиҳат деб билади. Чунки унинг иймон-эътиқоди бардавом бўлса, ўз турмуш ўртоғига нисбатан садоқатли бўлади, сиддиқ оилада содиқ ва солих фарзандлар туғилади, тарбияланади. Албатта, иймон-эътиқодли аёл ўз фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди: *Ҳар бир бола гўдаклигидан онасининг тарбиясига маҳкум, бинобарин, биз дастлабки тарбияни ўз онамиздан оламиз, бу оналар башариятнинг тарбиячиларидир дегани...*»¹⁰ Демак, илк тарбия ўчоғи бўлган бўлган оила эр-хотиннинг шахсий

хаётидангина иборат бўлмай, балки жамият тараққиётига дохил бўлган ижтимоий хусусият касб этади.

Юқоридаги хулосадан келиб чиққан аллома энди аёлларнинг ижтимоий мавқеи, уларга бўлган муошарот одоби ва жамиятда аёл тарбияси деган мавзуларга кўчади. Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эркакларникидан кам эмаслигини, шундан келиб чиқиб, уларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам эркакларнинг ижтимоий даражасида эканини, бизнингча, Фитрат жадиидчилар ичида нисбатан биринчилардан бўлиб эътироф этдигина эмас, балки исбот этди ҳам. Жадиидчилик ва жадиид адабиёти таъқиқланган даврларда эса, бу тенг ҳуқуқлилики бизга «шўролар жамияти берди, ўтмишда аёллар ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас эдилар, уларнинг муқим жойи ичкари бўлиб, жамият ҳаётида деярли рол ўйнамаган» қабилидаги уйдирмаларни такрорлашга мажбур қилинган эдик. Ҳолбуки, эркак аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида ХХ бошларида нафақат жадиидчилар, балки бундан бир минг уч юз йил аввал Қуръони карим оятларида ва бунга мувофиқ тарзда ҳадиси шарифларда баён этилгани эслатилади.

2.2. Адижонда тараққийпарварлик

Қолоқлик ва жаҳолатни, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи Туркистоннинг Европа ва жаҳон сивилизатсиясидан орқада қолиб кетгани, ислом ва шариат оёқ ости қилингани ва бундай оғир фожиали ҳаётдан кутулиш, ерк ва озодликка еришиш ҳақида ўз замонасининг илғор, зиёли катламларида фикр-мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Ижтимоий уйкудан уйғониш, миллий уйғониш тарихий зарурият бўлиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, жадиидчилик ҳаракати ижтимоий ривожланишнинг, тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб тариқасида объектив равишда майдонга келди. Ўлкада миллатнинг дард аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожиали, оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлигини, ақл-заковатини, онгли ҳаётини эрк озодлик тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шаклланади.

Туркистонда жади́дчи́ликнинг майдонга келиши ва ривожланишида Усмонли Турк империясидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий ғоя ва аракатларнинг ҳам таъсири кучли бўлди. Айниқса, Туркияда (1876-1909 йй.) мамлакатни қолоқликдан олиб чиқишга қаратилган ислохотлар, қабул қилинган қатор қонунлар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Туркистон халқлари учун ҳам аҳамиятли эди. Туркиядаги прогрессив ислохотлар, Европа маданияти ва турмуш тарзининг мамлакатда кенг омиллашувига олиб келади. Бу ижобий тенденция Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шунингдек XX аср бошларида Россиядаги мусулмон мактабларининг буюк ислохотчиси ва «Таржимон» жаридаси (1883-йилдан Қримда чиқа бошлаган) тачкилотчиси Исмоил Гаспиралининг фаолияти ҳам Туркистон жади́дларига жуда кучли таъсир кўрсатган. Унинг жади́дчи́лик фаолияти бутун Шарқда, жумладан, Туркистонда машхур бўлиб кетганди. Исмоил Гаспирали Туркистонда бўлган ва ўзининг ўткир асарлари билан ўлка жади́дларининг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган. Айниқса, янги усул мактабларининг вужудга келишида туртки, намуна бўлган. Бу вақтда Туркистондан, Хива хонлигидан, Бухоро амирлигидан Туркияга бориб таҳсил кўраётган кўплаб зиёлилар, бу мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ислохотлар, илғор Европа турмуш тарзи, техника тараққиёти, маданияти, маърифатидан таъсирланиш, унга ҳавас билан қараш, ўз ватанларида ҳам бу каби ўзгаришлар бўлишини кўмсаш ҳис-туйғулари уйғона бошлайди.

1889-йилда «Иттиҳод ва тараққиёт» номли ҳурриятпарвар жамиятлар бутун Туркия бўйлаб майдонга келади.⁴¹Туркияда таҳсил кўраётган туркистонлик зиёлилар ўз ватанларига қайтиб она юртларида ҳам ўшандай «Иттиҳод ва тараққиёт» жамиятларини ташкил етганлар. Собиқ Иттифок ташқи ишлар министрлиги ҳузуридаги СССР ташқи сиёсати архивида, Ўзбекистан Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида Туркистон «Иттиҳод ва тараққиёт»чилари ҳақида кўплаб манбалар сақланиб қолган.

⁴¹Шамсутдинов Рустамбек. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, Мерос, 1994, Б. 47

⁴⁷Қаранг: Ражабов .. «Иттиҳод ва тараққий». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., 2002, IV жилд. 292-бет.

Жадидчилик ҳаракати фаолларидан бири, кейинчалик шўроларга алданган ва раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, 30-йиллар бошида катагон бўлган Акбар Бойтурсунович Уразалиев 1925-йил 6-июлда Москвада Хитойга дипломатик хизматга кетиш олдидан шахсий варақасидаги «Ўтмишда қандай партияга мансуб эдингиз?» деган анкета саволига шундай жавоб ёзган: 1914-йилдан 1917-йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққиёт» яширин ташкилоти аъзоси бўлганман». Маҳбус Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев 1937-йил 1-августда терговчининг «Сиз миллатчи аксилинқилобий ташкилотлар раҳбари сифатида ҳибсга олингансиз? Шу айб мазмуни бўйича кўрсатма беринг?» - деган саволига шундай жавоб қилган: «Ҳа, мен аксилинқилобий, миллатчи ташкилотларга раҳбар бўлганман.

Миллатчилик фаолиятимни 1905-1906-йиллардаги «Тараққийпарвар» номли буржуа миллатчи ташкилотидан бошлаганман. 1912-йилдан бошлаб Андижон шаҳридаги бу ташкилотнинг раҳбарларидан бири бўлганман...». Афтидан, қийноқ ва азоб беришлар маҳбусни аввалги фаолиятидаги воқеаларни эътироф этишга мажбур қилган бўлса керак.

Улкада қарор топган мустамлакачилик, миллий зулм, хўрлик, жаҳолат, колоқлик, миллий тушкунлик шу қадар аянчли, фожеали бўлганки, унинг даҳшатли манзарасини ҳаттоки Шўролар арбобларидан бири Г.И.Сафаров ҳам эътироф этиб бундай ёзган эди: «Барча руслар Туркистоннинг туб аҳолией одам эмас, балки уруш, талаш, зўрлаш мумкин бўлган иш хайвонларидир деган ақида билан яшаган ва тарбияланган».

Туркистон жадидлари каби миллий, ижтимоийистибоддан қутилиш, эркин ривожланишга эришиш маърифат оркали юз беришини яхши англаганлар. Улар ишни энг аввало марифатчиликдан бошлаб, кенг халқ оммасини саводли қилишга, жаҳолат уйкусидан уйғотишга интилиб, янги усулдаги жадид мактаблари очдилар. Самарқанд, Тошкент, Қўқондаги каби бундай мактаблар Андижонда ҳам очилди. 1899 йили биринчи бор биринчи бор Андижонда Шамсиддин домла томонидан жадид мактаби очилди. Бундай мактаблар 1917 йили ўлкада 100га етганди. «Маориф хаваскорлари»

жамияти, «Маориф нашри» ташкил этилди. Бу ишларда Чўлпон, Усмонхон Эшонхўжаев, Фозилбек Отабеков, Хусанхон Ниёзий, Акбар Урозалиев, Санжарбек Қосимбековлар фаоллик хурсатдилар. 1917 йили Чўлпон томонидан эски шаҳарда «Турон кутубхонаси» очилди, унинг ёнида катта бир қироатхона ишга тушди. Хорижий манбалардан бирида шундай ёзилган: «Кенг маъруза зали бўлган бу қироатхонанинг бошқарув ҳайъатига Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили Хусанхон Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа угли, Вали Мақсудий, Зоҳирий Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулхай Махдумлар тайландилар. Қироатхона мактаб вазифасини бажарар эди. Ҳар окшом усмонли зобитлари кундалик масалалар, маданий-сиёсий ва тарихий мавзуларда маърузалар қилардилар».

Хусайн Хуснибек Андижонда «Дорулмуаллим мактаби»га, «Олти ойлик курслар»га асос солди. Бу мактабда унинг ўзи тарихдан, Хиллибек жўғрофиядан, австралиялик Бакир Човуш ҳарбий билимдан, Садирдинбек математикадан муаллимлик қилишган. Мазкур бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш курсларида жади́дчи 17 ёшли Усмонхон Эшонхўжаев ҳам муаллимлик қилган.

Андижон жади́длари рус демократлари билан ҳамкорликда бутун Туркистонда биронта ҳам дунёвий ўқув юрти йўқлигини эътиборга олиб Фарғона водийсида олий ўқув юрти очиш масаласини Андижонга 1916 йил августида келган Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский бошлиқ вакиллар олди́га кўядилар. Шунда А.Ф.Керенский бу масалани Давлат Думасида кўриб чиқишга ваъда қилди. 1917 йил 17 феввалида уларнинг эски ва янги шаҳар зиёлилари, жамоат арбоблари, маърифатпарвар ташкилотлар вакилларининг замонавий олий ўқув юрти очишга бағишланган йиғилиши бўлди. Мажлис кечқурун соат 7.30да бошланиб тунга 3 гача давом этди. Кўплаб нотиклар ўз сўзларида Фарғона олий техника института очиш зарурлигини ҳар жиҳатдан асосладилар. Соат 11 га бориб жамоат ташкилотлари ва айрим шахслардан институт очиш учун 40000 сўмлик хайрия фонди ташкил бўлди. Бу фондга таркибида кўплаб тараққийпарварлар бўлган маърифат ҳаваскорлари

жамияти 5000 сўм миллионер, бой жаид Аҳмадбек хожи Темирбеков 25000 сўм ҳадя этдилар. «Саҳоватли бой, Ўзбек миллий сармоядорларнинг типик вакили Аҳмадбек хожи кейин яна кўп маблағ ажратишга ваъда қилди... Иигилишда институт очишни ташкил этиш учун 15 нафар аъзодан иборат ташкилий қўмита сайланди... Худди шундай ташкилий қўмиталар, институт очиш хайрия фондлари водийнинг Қўқон, Наманган, Ўш, Скобелев шаҳарларида ҳам ташкил этилиб, уларнинг жамиятларида жаидлар хизмати катта бўлди...» деб ёзганди «Туркестанский голос» газетаси.

Жаидлар халқни маърифатли қилиш, оқу қорани танитиш, уни илгор ғоялар билан тарбиялаш мақсадида биринчи бор миллий театрлар ташкил қилдилар. Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар «Турон» жамиятини туздилар. Унинг шўъбаси Андижонда ҳам ташкил бўлди. Жамиятнинг низомида шундай ёзилган: «Халқ орасида жаидий ва саҳна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш, халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш, Туркистон ўлкаси худудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш». 1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида Ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми расмий очилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси катта муваффақият қозонди. Пьеса миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этди. Тошкент труппаси бутун Фарғона водийсини айланиб чиқди, ҳар бир шаҳарда театр томошаси қўйилди. «Бу вақтларда, - деб ёзганди Абдулла Авлоний, - бизнинг мақсадимиз ҳозирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди».

«Падаркуш» пьесасини Андижон жаидлари ҳам қўйишди. Бундан Акбар Урозалиевнинг 1917 йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга йўллаган аризаси далолат бериб турибди: «... 1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий хаваскор сарт ёшлари

томонидан кўнгилни хуш этувчи кеча ташкил қилинди, унда сарт тилида Маҳмудхўжа Бехбудий ёзган «Падаркуш» номли пьеса ҳам қўйилганди. Пьеса ўз мазмунига кўра чуқур ибратли эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятининг маънавий тушқунлигини очиб берарди. Шу кечада тўпланган маблағнинг бир қисми Андижондаги эрлар прогимназияси фойдасига, қолган қисми эса кўнгилни хўш этувчи бошқа муассаслар фойдасига сарфланди...

Яқиндагина нашр юзини кўрган тадқиқотчи Шухрат Ризаевнинг «Жадид драмаси» китобида бу ҳақда мана бу сатрлар бор: «1914 йилнинг 6 июнида Андижоннинг «Люкс» театрида ҳам «Падаркуш» фожеаси ўйналди. Бу спектакль ташаббускорлари Андижоннинг ўз кўнгилли ёшлари бўлиб, улар орасида Эшонхон Махдум, Мулла Эргаш хожи, Зиёиддин каби кишилар бор эди. Бу труппа яна ўша озарбайжонлик актёр ва режиссёр Алиаскар Аскарров етакчилигида тузилиб, фаолият кўрсатди. Унинг «Падаркуш» спектаклидан тушган маблағ «Садои Туркистон» жаридасининг 20-сониди ёзилишича, 1500 сўмни ташкил этиб, шундан бир қисми Андижонда курилайётган «Кизлар гимназияси»га берилган, қолган қисми эса бошқа ҳайрли ишларга сарфлаш мақсадида банкка қўйилган. Хабарда бошқа тафсилотлар келтирилмайди. Лекин тушган маблағнинг миқдорига қараганда, спектаклга жуда кўп томошабин катнашган».

Мустамлакачи ҳукмдорлар «Падаркуш» пьесасини қўйилишидан ваҳима-ю саросимага тушгандилар. Шу боис улар «Падаркуш» пьесасини қўйганларни «падаркушчилар» деб аташган. Жадидларни шундай номлаш жоҳил уламолар ва бидъатчи унсурлар орасида ҳам раем бўлиб кетди. Туркистон район муҳофаза бўлими агентураси «падаркушчилар» изидан астойдил тушиб, уларнинг чоризмга қарши кураш олиб бораётган яширин жамият азолари деб билди. 1917 йил январиди Андижонга Тошкентдан соқчилар бўлими бошлиғи бир гуруҳ терговчилар билан келиб станциядаги махсус вагонда шубҳа қилинган ўнлаб одамларни тергов қилди. Тергов натижалари беиз қолмади. Айрим тараккийпарварлар жазоланди, лавозимларидан бўшатилади. Шундайлардан ака-ука Акбар ва Мадамин

Ўрозалиевлар эди. Улар Андижон уезди келиштирувчи судида тилмочлик килардилар. 1917 йил 6 январда Скобелев округ суди махфий полиция такдим этган «айблов»лар асосида фармойиш билан бу ака-укаларни ўз вазифаларидан бўшатади. Акбар Урозалиев 6 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга ариза билан мурожаат қилиб, масалани одилонга текширишни талаб қилади. Натижа бўлмагач, у 24 февралда яна шикоят ёзади. Аммо бу уринишлари беҳуда кетади.

Жадидлар миллий уйғониш даврига хос ва мое миллий матбуотни ҳам оёққа турғиздилар. Биринчи бор ўзбек тилида «Тараққий», «Шухрат», «Хуршид» газеталари чиқа бошлади. «Садои Туркистон» газетаси Тошкентда чиқа бошлади. Фаргона водийсида жадидчи Обиджон Махмудов муҳаррирлигида 1914 йилдан «Садои Фаргона» газетаси чиқиб турди. Унинг саҳифаларида бутун водийда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаёт ўз аксини топиб борган. Бу вақтда Андижонда газета чиқариш имкони бўлмади. Андижон тараққийпарварлари Тошкент, Қўқонда чиқаётган жаридаларда ҳамкорлик қилиб турдилар. Бу борада Чўлпон ижодини кўрсатиш мумкин. Унинг матбуот юзини кўрган илк шеър, ҳикоялари «Садои Туркистон, «Садои Фаргона» газеталарида эълон қилинган. «Туркистон кардошларимизга» номли шеъри «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 3-сонида чоп этилди. Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Доктор Муҳаммадиёр» номли ҳикоялари ва бошқа мақолалари «Садои Фаргона» саҳифаларида чоп этилган. Чўлпон бу газетанинг Андижондаги обуначи ва эълон қабул қиладиган вакили ҳам эди. Жадидчилар Обиджон Махмудов, Ашурали Зоҳирий раҳбар бўлган «Садои Фаргона»даандижонликтараққийпарварларфаолиштирокэтдилар.

Турмушда мавжуд бўлган хилма-хил камчилик, нуксонларни фош этиш орқали маҳаллий аҳоли миллий онгининг ўсишига хизмат қилувчи хат ва хабарлар ҳам мунтазам газетадан урин олиб турган.

Газетанинг 1914 йил 2 июль сони да «Андижонда овмалик» номли мақолада жамиятдаги айрим нопоклик, ярамас иллатлар очик ошкора фош

килинганди. «Андижонда, - дейилган эди мақолада, - Оллокулбек қасрида хар кун ва кечалари 500 нафардан бир минг нафаргача одамлар, хаттоки мадрасалардаги муллабаччалар жам бўлишиб, чой ичиб ўтирар эканлар. 7 июнда мазкур мавзёдан ўтиб эрдимки, мазкур саройга кўзим тушди, бир неча нафар ўрислар кўринди, ичкари кириб қарасам 4 нафар ўрис старшийлар хотинлари илан икки нафар меҳмонлари илан ва бошка одамлар жам бўлишиб 4 нафар баччани ўйинга солиб турибдур. Баъзи одамлар (жувонлар) баччаларга 5 сўмлик, 3 сўмлик қоғозларни ёпиштириб туриб эканлар. Ажабо! Андижон қози ва уламолари театрни ҳаром деб, бўл тариқа маълум ва машхур жойда бўлиб турган баччабозликни нимага кўзлари кўрмас экан?

Ва на учун амри-маъриф қилмас эканлар?!

1915 йил 2 январь сониди «Нафсоният қаҳрамони» сарлавҳали мақолада эса Андижонда амалга оширилаётган хайрли, ибратли ишлар ҳикоя қилинади. Унда Андижондаги машхур Офтобачи мадрасаси биноси эски бўлиб, «талабаларни истиқомат қилмоқлариға ярамай қолингандлиги сабабли, Андижоннинг ялангочкурғонлик Хожи Муҳаммад Эшон жаноблари Насибулло ўз ақчаларидан мазкур Мадрасабиносини ислоҳ қилиб бурунги мударрис келтирилиб, мадрасани аввалгидек обод қилиб талабалар ўқимокда эканлар» деб ёзилганди.

Газетанинг 1915 йил 25 февраль сониди «Ана муллаларнинг аҳволи» деган хабар эълон қилинади. Унда шундай сатрлар бор: «Андижондаги Маҳмуд дастурхончи мадрасасида тургувчи бир неча нафар ахлоки бузук ёмон муллалар бир яхши пок муллани мадрасадан зўрлик қилиб чиқарибдурлар.

Бечорани гуноҳи баччабозликдан монё қилиши экан, сўнгра бечора тўғри мулла жаноб инспектор тўрага арз қилибдур. Инспектор тўра мазкур ишни ҳақиқат қилмоққа мадрасага бориб полиция билан хужраларга кириб китоблар кўриб турилгон ҳолда бир тўнки яшчикда баччаларга солиб ўйнайтургон (кокил) топибдурлар. Бул ишдан кўп норизо бўлиб жаноб инспекторга юборибдурлар. «Ана муллаларнинг аҳволи». Газетанинг 15 май

сонида Ашурали Зоҳирни «Туркистонда биринчи юрист» мақоласи чиқади. Тошкентдан Қўқонга келиб қолган Тошпўлатбек афанди Норбўтабек ўғли ҳақида гап борганди. Ўзбеклардан биринчи бўлиб дунёвий фанлар бўйича Оврупача усулдаги олий маълумотга эга бўлган бу зиёлининг ҳаёти ва фаолияти ўзгаларга намуна сифатида ёритилганди.

Қўқонда чикиб турган «Утро Фергану», «Ферганская жизнь», «Туркестанский край» номли русча газеталарда ҳам андижонлик илгор ёшлар рус тилида хат ва хабарлар чиқариб турганлар. 1916 йил 1 июлдан Андижонда биринчи бор рус тилида «Туркестанский голос» газетаси чиқа бошлагач, тараққийпарварлар бу газета теварагида мустаҳкам жипслашиб иш олиб бордилар.

Газетанинг муҳаррири Анастасий Афанасьевич Чайкин Андижонда ҳовли-жойли, йирик асаларичилик хўжалигига эга киши бўган.

Газетанинг фаол ходимларидан бири Убайдулла Хўжаев эди. Кейинчалик редакция таркибида 17 ёшли Усмонхон Эшонхўжаев ва Абдуллажон Йўлдошбоев ҳам фаолият кўрсата бошладилар.

Бу газета Андижондаги рус демократлари билан маҳаллий миллат жадиждчиларининг ҳамкорликдаги сай-ҳаракатлари туфайли дунё юзини кўрди.

Айниқса А.А.Чайкин билан Убайдулла Хўжаевлар газетанинг асосчилари эди. Газетанинг номига эътибор беринг. У «Туркестанский голос» деб номланган. 1914 йил феврилида Тошкентда Убайдулла Хўжаев ташаббуси билан ва унинг муҳаррирлигида «Садои Туркистон» газетаси чиқа бошлаган ва 1915 йили у ёпилган, шундан сўнг унинг муҳаррири Андижонга келиб фаолият кўрсата бошлаганини эсласак, Убайдулла Хўжаев «Садои Туркистон»ни рус тилида «Туркестанский голос» номи остида чиқаришга муваффақ бўлгани маълум бўлади. Ўша изкувар махфий полициячи полковник Волков 1916 йил 4 ноябрда Туркистон генерал-губернаторига йўллаган махфий хатида «Туркестанский голос» газетасининг бош мақсади аксарият ўлка тузем аҳолисининг манфаатини ҳимоя қилиш ва унга хизмат

килишдан иборат бўлганини, бу газета бутун Фарғона тузем аҳолиси орасида жуда ҳам оммалашиб кетганини, газетанинг ғоялари Андижон шаҳри, умуман, бутун Фарғона вилояти тузем аҳолисининг барча катламларига кириб борганини таъкидлаган.

Газета жадиदчилик руҳида бўлгани унинг саҳифаларида кўтарилган мавзулар, муаммолар, хат ва хабарлар ҳам ёрқин ўз ифодасини топган. Газетада 1916 йилги воқеалар тафсилотиغا катта ўрин берилган. «Мардикорлар талаби», «Ишчи туземецлар йўлда», «Ишчиларни жўнатишга дойр», «Тузем ишчилар мактублари», Андижон шаҳар ариқ оқсоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан ҳол-аҳвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисоботи, «Уш эшелонини жўнатиш», «Жойлардан саломлар», «Йўлдан бизнинг мухбиримиз Абдулла Йўлдошқориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборган мактублари», «Паловни соғинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмонлар», «Оренбургдан хатлар», Ҳарбий суд», «Ажралиб қолганлар», «Суд хабарлари», «Суд залида», «Рўзи Охун Муҳаммад Назарбоевнинг иш бўйича», «Далварзин иши» каби рукнлар остида хабар ва мақолаларда 1916 йилги Чор ҳукуматининг мардикор олди воқеалари ўз аксини топган.

Жадидлар Ўрта Осиёга муносабатда «Инглизистон Ҳиндистонни қай даражада эзётган бўлса, Ўрусия ҳам Ўрта Осиёни шу даражада эзипти. Ўрта Осиё мустамлака асоратидадир. Бизнинг деҳқонларимизни зўрлик билан пахта экишга мажбурлашяпти ва ҳаммасини Масковга ташиб кетишяпти. Деҳқонларнинг ўзлари бу ерда оч-яланғоч қолаётгани билан ишлари йўқ»...

Бунақа гапларни мен ундан ўзим эшитганман. Бундан ташқари Шорасул (гап Шорасул Зуннун ҳақида кетмоқда – К.Ш.) ўрислар билан тоторларнинг масъул лавозимларни эгаллаб олганларига қарши эди. 1929—30-йили у Аёллар билим юртига она тили ўқитувчиси қилиб тайинланган эди. Бир аёл ундан техникумнинг илмий бўлим мудири ким — ўрис эмасми, деб сўраганида, у: «Албатта, ўрис-да, ўрис бўлмай ким бўларди», деб жавоб қилган. Буни менга Бухарин мактабида хизмат қиладиган Акбар Асқарий

айтди. *Партия сафларини тозалаш кетаётган палла* мен бир кун
Шорасулни учратиб қолдим ва: «Мана, Партия сафларини сизнинг
дунёқарашингиздаги унсурлардан тозалаяпмиз», деган эдим. у: **«Партияни
бизлардан эмас, бизларнинг муҳитимизни партиядан тозаланглар», деб
айтди.** Партияни у зарарли касаллик деб ҳисобларди. Гарчи мен унинг
умуман совет ҳокимиятига қарши фаолиятидан кўп далиллар келтиришни
зиммамга ололмасам ҳам, унинг хотинлар юзини очиш масаласига
қарашлари тўғрисида айрим гапларни айта оламан. У ўзининг хотинини
расман очгани билан амалда очмаган. Хотинини мактабга ё йиғилишга, ё
уюшма қошида ташкил этиладиган кечаларга қўймайди.

Эски шаҳардаги Ленин номли мактабнинг 8-синфида Шавқий деган
бир ёш ёзувчи ўқирдй, у фақат мактаб деворий газитига ёзар эди. У
Чўлпоннинг давомчиси бўлиб, унга тақлид қиларди. Мафкура жихатдан
асов нарсалар ёзарди. Ўша мактабнинг 6—7-синфларида адабиётдан дарс
берадиган Юнус Латифийнинг ҳамда Шорасулнинг ўзининг сўзига
қараганда, Шавқийни Шорасул йўлга солиб тураркан. Шеърга мавзуларни
ҳам у бераркан. Қанақа йўналиш берасиз, деб мен Шорасулдан
сўраганимда, у: *«Мен уни миллий руҳда шеър ёзишга ўргатаяпман»*, деган.
1928—29-ўқув йилида Шорасул Наримонов техникумида адабиётдан дарс
берган.

Мадҳиддин Муҳаммадий жонбознинг «билганлари шугина» экан.
Лекин у кишининг ўзлари ким-у, у киши сотаётганжадидлар ким эканини,
жадидлар нима қайғуда-ю, бу киши ниманинг қайғусида эканини, ва ниҳоят,
бу жамият қанақа асосга қурилганини-ю қандай кимсаларга таяниб иш
кўрганини билиб олишимиз учун, ўйлашимча, бизга «шугина»нинг ўзи етса
керак. Шу андишада бу жирканч чақувномани сатрма-сатр изоҳлаб беришни
ортиқча машғулот деб билдик ва фикрлашни мулоҳазали ўқувчи ихтиёрига
қолдириб, шу жойда нуқта қўйдик”

1917 йил ёзидаёқ бир гуруҳ андижонлик тараққийпарварлар
большевиклар, меньшевиклар, эсерларга хат йўллаб, уларнинг ғоя ва

дастурларини Туркистон мусулмон халқи ўзларига сингдира олмасликларини баён қилган эдилар. “Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирига сира тўғри келмайди, - дейилади ўша хатда. Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип андозани бу ерда қўллаб бўлмайди... бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Ғарбий Европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар ҳам йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас ва балки ижарачи йфермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқаддас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган. Шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро, хоҳ мулкдор бўлишидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидирлар”.⁴²

Туркистон ўлкасида ислом ғояси бирлиги ва жаидчилик ҳаракати ўлкадаги ижтимоий-сиёсий фаолиятда асосий куч бўлиб маҳаллий халқларнинг онгли қисми уларга эргашиб борган. Жаидлар ҳаракатидаги асосий ва бош ғоя миллий истиқлол, Туркистонда ҳамда Ўзбекистонда давлат мустақиллиги учун курашдан иборат бўлган.

Ватанимиз озодлиги учун жонини гаровга тиккан "буюк аждомаримиз-жаидлар"⁴³ Россия мустамлақчилигининг иккинчи босқичи- коммунистик босқин ва истибдодга қарши уч хил кўринишда кураш олиб бордилар. Биринчиси, очикдан-очик "босмачилик", яъни қуролли уруш. Иккинчиси, муҳолифатлик ва демократик танқид. Учинчиси эса махфий уюшган ажсишўровий фаолият.

Ҳозир жаидчилик соҳасида унинг коммунистик босқин ва совет ҳукуматига қарши жойларда уюшган махфий ташкилотлари фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Шунингдек, у ҳар бир минтақа ва ҳудудда, у ердаги тарихий муҳит, шарт-шароит ва имкониятлар ўзига хос характер ва хусусиятда пайдо бўлди ва ривожланди. Буни ҳам эътибордан

⁴²“O'zbekiston ovozi”, 1996 yil, 24 fevral

⁴³Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрида Академик драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи //Халқ сўзи. 2001, 31 август

кочирмаслик керак. Мана шу жиҳатдан олганда, Фарғона водийсида кечган жадидчилик, айниқса унинг бу ерда уюшган аксилшўровий махфий ташкилотларининг тарихда қолдирган изларини ҳозир тиклаш алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Совет ҳукумати ўрнатилиб, миллат ва Ватаннинг жамики бойлиги тортиб олина бошланиши, диний-диёнат, маданий-маърифий кадриятлар топталиши ва сиёсий камситишлар кучайиши билан жадидлар, коммунистик босқинга қарши махфий уюшган ҳолда курашни авж олдирдилар. Бу ўринда Тошкентда фаолият юритган “Итиҳоди тараққий” (1917—1920); “Иттиҳоди миллий” (1920-1926); “Миллий истиклол” (1926-1929)нинг фаолияти диққатга моликдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “Миллий истиклол”нинг Фарғона водийсидаги Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарлари ва ҳатто, Косонсой қишлоғида ҳам шўъбалари бўлган. Қўқондаги шўъба “Ботиргапчилар” деб номланган бўлиб, у 1929 йил ноябрда ташкил топган. Унинг ташкилотчи ва фаоллари Л.Алимов, Н.Эрматов, М.Хусанов, К.Ортиқбоев, Т.Парпиев, А.М.Солиев, Ашурали Зоҳирий ва бошқалар бўлган.

Бу ташкилот дастурининг қораламаси, унинг 1930 йил 2,14 ва 23 январдаги “гаплар”и (яъни йиғилишлари) баённомаси (протоколи) сақланиб қолган. Бу ҳужжатларда ташкилотга кимлар қандай қилиб қабул қилиниши ва уларнинг вазифалари кўрсатилган. Шунингдек, уларда “Ўзбекистонда Халқ Республикаси ташкил зтиш”, “Қуролли кўзғолон кўтариш”га даъватлар мавжуд.⁴⁴

1927 йилда Наманган шаҳрида “Миллий истиклол”нинг “Миллий кўмита” номлик шўъбаси ташкил топди. Унинг раҳбари-Зайнитдин Насритдинов, котиби-Усмон Акрамий, хазинабони- М.Г.Дадамухаммедов бўлган. И.Катабоев, Ф.Исматуллаев, Жалил Саъдиев, Насимжон Муҳаммедов, П.Усмонов, Абдуллабек Мусабаев (ёки Мусабеков) ва бошқалар ташкилот ишида фаол қатнашадилар. Махбус Х.Б.Ризаевнинг

⁴⁴Шахсий архив материалларидан

терговда берган кўрсатмасида айтилишича, унинг ўзи, Усмон Акрамий ва Фатхутдин Махзум Тошкентга қатнаб Мунавварқори билан алоқада бўлган. Бу тўғрисида Мунавварқорининг ўзи ҳам 1930 йил 28 февралда қамоқхонада тергов сўроғига жавобан шундай деб ёзади: "Ислом Исмоиловни Наманганга юбориб, мен фақат ташкилотнинг ҳолатини, у кимлардан яъни қарияларданми ёки ёшлардан ташкил топганлигини, унинг аъзолари сонининг таркиби қандай эканлигини, дастури бор-йўқлигини билмоқчи бўлган эдим, ҳолос".⁴⁵

"Миллий истиқлолнинг Наманган шўъбаси билан боғлиқ ҳужжатларда, унинг фаолларидан бири Абдуллабек Мусабеков Косонсой қишлоғида яшагани ва у бу ерда ҳам махфий аксилшўровий ташкилот тузганлиги ҳақида маълумот бор.

Ҳозирда ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Андижон шаҳрида ҳам "Миллий истиқлол"нинг махфий шўъбаси бўлган. У Намангандаги "Миллий кўмита"нинг фаол аъзоси андижонлик Абдулла Хожи Ғофуров томонидан ташкил этилган. Унинг ишида эса М.Караманов, М.Ҳакимов, И.М.Обитдинов, С.Камилов, А.Саттаров, Ш.Ташматов ва М.Ашуровлар фаол қатнашганлар.

Кўриниб турибдики, Фарғона водийсида коммунистик босқин ва мустамлакага қарши фаолият юритган жаҳидлар раҳбарлигидаги махфий ҳаракатнинг кўлами анча кенг бўлган. Бу Ватан ва миллат озодлиги йўлида жон фидо қилган водийлик жаҳидларимизнинг қаҳрамонона жасоратларидан далолатдир.

Водий жаҳидлари, умуман, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги махфий фаолият юритган шўъбалар ташкилий жихатдан ягона марказ— Тошкентдан бошқарилди. Улар истиқлол учун далил ва аниқ ишонч билан фидокорона аксилшўровий кураш олиб бордилар.

Мунавварқори бу тўғрисида эҳ хотираларида 1930 йил 14 июнда қамоқхонада шундай деб ёзади:

⁴⁵Холбоев С. Жаҳидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти...Б.213

“Бизлар айниқса, миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин... демократик Ўзбекистонни барпо этишни амалга ошириш умидида ўз фаолиятимизда асосан қуйидаги уч ҳолатни ҳисобга олган эдик:

1. Оммада миллий руҳни ривожлантириш ва мустақамлаш
2. Шўро ҳукумати томонидан кўтарилган шўро аппаратини маҳаллийлаштириш ҳақидаги шиордан фойдаланиб, аста-секинлик билан шўро аппаратини, унга миллий кайфиятдаги кишиларни жойлаштириш йўли билан қўлга олиш.
3. Муҳожирлар билан алоқани ташкил этиш...

Бизлар ўз фаолиятимизни, бу кўрсатилган вазифаларга қаратишда, шўро ҳокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда муқаррар равишда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг йўқ қилинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро ҳокимияти ҳалокати юз берганда ҳокимиятни қўлга олишга тайёр туришга қарор қилдик..

*Комфирқа ва шўро ҳокимиятининг ич-ичидан айниб кетиши ва ҳарбий маглубият туфайли ўлимга маҳкумлигини ҳисобга олган ҳолда, биз ўзимиз белгилаган вазифаларни рўёбга чиқариш учун амалий ишга киришдик”.*⁴⁶

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов жадиларнинг бу Ватан ва миллат озодлиги йўлидаги буюк жасорат ва фидокорлигини ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998) номлик рисоласида қуйидагича юксак баҳолайди: “Улар ўт билан ўйнашаётганлигини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдинган яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган”.

Аксилшўровий жаид ташкилотларининг иш фаолияти бутун Ўзбекистонда бўлганидек, водийда ҳам ўта махфий бўлганлиги ҳужжатларда ўз аксини топган.

⁴⁶Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимидан (Жаидчилик тарихидан лавҳалар). Т., Шарқ, 2001, Б.69-70

⁴⁷Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998, Б.8

Махфий ташкилотни “учлик” (уч киши) бошқарган. Ташкилотнинг аъзолари уларни танисалар-да, раҳбар эканлигини билмаган. Шунингдек ташкилот аъзолари ҳам бири иккинчисини махфий ташкилотда ишлашларини билмаганлар, гарчан, улар кундалик-турмуш ва ишда бирга бўлган бўлсалар ҳам. Ҳар бир махфий фаолият юритган киши фақат ўзига ишонч билдирган ва ўзи таклиф қилган кишиларнигина билган, холос. Аъзоликка қабул қилиш ўта махфий равишда амалга оширилган.

Махфий ташкилотга Ватан озодлиги йўлида иш олиб бориш учун аъзо бўлганлар махсус мослаштирилган хоналарда кўлида Қуръони Карим ва қуролни ушлаб, Қуръондан суралар ўқиб “уч”лик олдида қасам ичганлар. “Уч”лик парда орқасида бўлган. Шунинг учун ҳам қасам ичувчи, уларнинг борлигини билса-да, кимлигини билмаган.

Юқорида учта махфий жаид ташкилотнинг номи тилга олинди. Улар ўз даврда уч хил номланган бўлса ҳам, аслида битта жиддий уюшган ташкилот бўлган. “Фидойи Мунавварқори Абдурашидхонов”нинг ёзишича, бу ташкилотнинг номи ва учлик раҳбарлари, совет махфий ташкилоти ГПУни чалғитиш мақсадида ўзгартириб турилган. Сўнгги пайтда “Миллий истиқлол” номини олган бу ташкилот ва унинг Фарғона водийсидаги шўъбалари 1929 йилнинг ноябр ойига келиб, ГПУ томонидан тор-мор этилади.

РеспубликаимизПрезиденти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш - давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳонлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан - тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларга эга эмас эди.⁴⁸

Бироқ совет ҳокимияти давридаги ўта чекланган шароитларда ҳам ўзбек халқи орасида халқаро муомилаларни ҳал қилиш маданиятига эга

⁴⁸Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура. 1 жилд —Т.: Ўзбекистон, 1996, Б.50

бўлган қатор зукко дипломантлар етишиб чиққан. Буларнинг айримлари жаидчилик ҳаракатидан етишиб чиққан миллий арбоблар эди. Шулардан бири, хамюртимиз Акбар Ўразалиев эди. Акбар Бойтурсунович Ўразалиев 1890 йил Андижон шаҳри Қорабура маҳалласида туғилади. У рус-тузем мактабида ўқиган, Акбар Ўразалиев жаидларнинг Андижонда вужудга келган "Тараққийпарварлар" фирқасининг фаол аъзоларидан бири бўлган. Бу ҳақида 1925 йил 6 июлда Москвада Хитойга дипломатик хизматга Қашқардан Бош консулликда ишлаш учун кетаётиб тўлдирган шахсий варақасидаги "Ўтмишда қандай партияларга мансуб эдингиз?" деган саволга у: 1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг "Иттиҳоди тараққий" яширин ташкилоти аъзоси бўлганман" деб ёзган. Ўша варақанинг "Сизнинг инқилобий ва ижтимоий ишдаги иштирокингиз нимада ифодаланган?" деган саволига А.Ўразалиев: "1917 йилга қадар маърифатпарварлик, тўғарак ишларида, 1917 йилдан сўнг эса совет, хўжалик, партия органларида ишладим" деб ёзган.⁴⁹ Шундай қилиб, Акбар Ўразалиев 1925-27 йилларида дипломатик фаолият билан шуғулланган. Хитойда элчихонада хизмат қилди.

Жаидчилик ҳаракати таъсирида етишиб чиққан моҳир дипломатлардан яна бири Собиржон Мухаммедович Юсуповдир. У 1881 йилнинг 15 июнида Бухоро шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳрида рус-тузем мактабида ўқиган. 1910 йилда Бухоро шаҳрига қайтиб, Амирлик тузумига қарши ҳаракатларда қатнашди. 1918 йилдан бошлаб Туркистон АССР нинг Москва шаҳридаги РСФСР ҳукумати қошидаги мухтор вакили сифатида ўз фаолиятини бошлади. Собиржон Юсупов 1918—1919 йиллар давомида Москва шаҳрида мухтор вакил бўлиб турган даврда марказнинг кескин тазйиқларига қарамай ўз республикасининг иқтисодий, сиёсий, маънавий - маданий манфаатларини баҳоли қудрат муҳофаза қилишга, ўз ҳукуматининг марказ олдида қўйган талаб — эҳтиёжларини қондиришга эришишга уринган. У большевиклар фирқасига мансуб бўлганига қарамай Россиядаги ва Туркистондаги воқеалар тўғрисида, айниқса большевикларнинг

⁴⁹Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар Т.: Шарқ, 2001, Б.227

ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари, зўравонликларига қарши чиқади. Шунингдек, ёш бухороликлар билан ўз алоқасини узмайди. 1918 йил октябр ойида ёш бухороликлар йўлдошчиларидан бири Файзулла Хўжаев Москва шаҳрига боради. Уни Собир Юсупов Туркистон АССРнинг мухтор вакили сифатида қўллаб-қувватлаб туради. Файзулла Хўжаевнинг Москва шаҳрида жойлашишдан тортиб, то қайтгунга қадар барча амалий ёрдамни кўрсатиб турди.

Жадидлар сафидан етишиб чиққан мохир дипломатлардан яна бири 1890 йил Андижонда туғилган. Абдурахим Юсуфзодадир. У ўз бошидан жадидчиликнинг "Ёш бухороликлар" даврини кечирган. Абдурахим Юсуфзода "Ёш бухороликлар" ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири бўлиб, унинг дипломатлик фаолияти 1921-22 йиллардан бошланган, Абдурахим Юсуфзода шу йилларда Бухоро жумҳуриятининг Афғонистондаги мухтор вакили бўлиб ишлади. Абдурахим Юсуфзода Қобулда элчилик фаолиятини олиб борган даврда Афғон -Бухоро муносабатларини яхшилаш йўлида катта ишларни амалга оширди.

Хуллас, Туркистонда даставвалидан маърифатчилик ҳаракати сифатидапайдо бўлиб, 1917 йил февралдан октябргача бўлган даврда сийёсий ҳаракат даражасига кўтарилган жадидчилик ҳаракатидан етишиб чиққан миллий дипломатларимиз тоталитар усул идораси даврида ҳам халқаро муаммоларни ечиш борасида муайян ишларни амалга оширдилар. Бироқ уларнинг аксарияти 20-30 йиллардаги қатағон даврининг қурбони бўлдилар.

2.3. Жадидларнинг маърифий-адабий мероси XXаср ҳамда мустақиллик хизматида

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистоннинг туб аҳолиси Октябрь тўнтаришидан кейинги ўн йилликларда кўпгина қийинчиликлар, оғир синовларни бошидан кечирди ва оқибатда большевикларнинг сийёсий тузуми ва мафкурасининг ҳукмронлиги остида қолди.

Янги шўро ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий тузуми қарор топиши жараёнида миллий ватанпарварлик ҳаракатлари, сиёсий ва жамоатчилик ташкилотлари йўқ қилинди. Бу минглаб муҳолиф кайфиятида бўлган зиёлиларни, руҳонийларни, мулкдор табақа вакиллари қатағон қилиш ва доимий яшаш жойларидан қувғин қилиш, эски мактаб ва мадрасаларни тарқатиб юбориш эвазига рўй берди. Дастлабки пайтларда шўролар ҳокимиятининг алдовига ишонган сиёсий фаол зиёлиларнинг аксар қисми эса халқнинг миллий манфаатларини сақлаб қолишга уринганлиги учун 1930-йилларда қатағонга учради.

Янги ҳокимият 30-йиллар бошларигача маҳаллий аҳоли болалари учун мактаб ва ўқув юртларини ташкил қилишга жуда кам маблағ ажратди. Марказий ҳокимият маҳаллий аҳолининг ижтимоий муаммоларини, шу жумладан, маориф ва фан соҳаларини марказ билан тенг даражада ҳал қилишни хоҳдамасди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиш ишларига миллий кадрларни жалб қилиш жуда ёмон аҳволда эди. Ўрта Осиёнинг энг йирик ўқув юрти - САГУда, ташкил топганига 20 йил бўлганига қарамай, 197 кишилик профессор-ўқитувчилар таркибида 136 нафар рус, 9 нафар украин, 19 нафар яҳудий, ҳатто 1 нафар америкалик бўлгани ҳолда, ўзбеклар сони 18 нафар, қozoқлар 2 нафар, қирғизлар эса 1 нафар бўлган⁵⁰. ТошМИда 249 нафар ўқитувчининг атиги 46 нафари маҳаллий халқ вакиллари эди⁵¹, холос. Албатта, бу кўриниш миллий кадрларга нисбатан ишончсизлик ва маълум тўсиқларнинг меваси сифатида юзага келтирилган эди.

Ўзбек олимлари қатор асарларида совет ҳукумати амалга оширган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларни таҳдил қилиб, уларга танқидий баҳо берганлар. Шўролар ҳукумати мазкур камчиликларни ўрганиш ўрнига, аксинча, фикр эгаларини таъқибга олдилар. Халқ маориф комиссарлигининг 1939 йилда «бир кагор нашрга тайёр асарлар зарарқунанда бузгунчилиги

⁵⁰ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 2663-иш, 25-в.

⁵¹Ўша жойда, 837-фонд, 14-рўйхат, 608-иш. 132-в.

учун йўқ қилинди», деган хати ҳам фикримизни асослаш учун гувоҳлик беради⁵².

Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига киришидан бир ярим йил ўтар-ўтмас автоном республика совнаркоми ва обкомпартиясининг 1938 йил март ойида «ҚҚАССР халқ маориф комиссарлигида зараркунандалик асоратларини йўқотиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «халқ душманлари, чет эл жосуслари, буржуа миллатчилари бўлмиш Алиев, Алимов, Ризаев, Куленов, Квачев, Аҳмедовлар Халқ маориф комиссарлигидаги гумашталари Туреев С, Туреев П., Сулеевлар орқали халқ маорифи соҳасига жуда катта зарар келтирганликлари кўрсатиб ўтилди»⁵³. Аксар ҳолатларда тўлиқ туҳматдан бошқа нарса бўлмаган, бундай тўқиб чиқарилган «иш»лар, миллий кадрлар масаласини янада огирлаштирар ва ҳар қандай шахсий ташаббусни йўққа чиқариб, марказнинг буйруқларини сўзсиз бажаришни талаб қиларди. Шўролар ҳукумати 30-йилларнинг охирига келиб, халқ таълими ва фан соҳасида синфий курашни бош мезонга айлантиришга ҳаракат қилди. Бироқ миллий зиёлилар мактабларда ўзбек тилини ўқитиш паст даражада эканлиги, олий ўқув юртлари, техникумларда эса иккинчи даражали тил сифатида қаралиши ва қишлоқ мактабларининг шаҳар мактабларига нисбатан қолоқдигига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлаб, юқори ташкилотларга мурожаат қилишдан тўхтамади.

ВКП(б) XVIII съезди қарорларида Ўзбекистонда яқин йилларда шаҳарларда умумий ўрта таълим ва қишлоқларда умумий етти йилликтаълимни таъминлаш кўзда тутилган эди⁵⁴. 1940 йил 23 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон ўқитувчиларининг 1-қурултойида иштирок этган айрим делегатларнинг қўйилган вазифаларни бажариб бўлмаслигини таъкидлаб ўтганликларига қарамай, партия ва совет раҳбарларининг тазйиқи билан бошланғич таълим тўла амалга оширилганлиги, маданий инқилобга

⁵²Ўша жойда, 94-фонд, 5-рўйхат, 3324-иш, 1-в.

⁵³Ўша жойда, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-иш, 142-в.

⁵⁴Девятый съезд КП(б) Узбекистана. 12-16 марта 1940 г. // Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т. 2. С. 98.

эришилганлиги айтилди ва бу соҳада янги босқичга кўтарилди, деб баҳо берилди⁵⁵.

Тақиқланган материалларга кўра, ижтимоий ривожланишга ажратиладиган бюджет харажатларининг «қолдиқ принципи» салбий оқибатларига қарамай, айниқса, юқори шўро партия ташкилотлари томонидан асосий эътибор рус тилидаги мактаблар ва бошқа ўқув юртларини ривожлантиришга қаратилди. Маҳаллий аҳолининг илм олишига бўлган эҳтиёжи иккинчи даражали масала сифатида сақланиб қолди.

Ўзбекистонда жамият ривожланиши ва мафкуравий мулоҳазалардан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг турли йўналишларига, фан, маданият соҳаларига маҳаллий кадрларни тайёрлаш учун умумий таълим ўрта ва олий ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш зарурати туғилди.

Жумладан, совет даврининг биринчи ўн йиллигида турли объектив қийинчиликларни енгиб, маҳаллий аҳолининг кўпмиллатли зиёлилари М. Беҳбудий, М. Абдурашидхонов, А. Авлоний, С. Абдулғаффоров, К. Авезов, А. Аминов, Ойбек, Т. Қори Ниёзий, А. Нуримбетов, А. Шакурый, О. Шарафутдинов ва бошқалар мактаб, ўқув юртлари, илмий муассасаларни ташкил қилиш ва уларга ёшларни жалб қилишга, ўқув дастурлари, дарсликларни ва услубий адабиётларни тузишга катта ҳисса қўшдилар.

Миллий маданиятнинг кўзга кўринган намояндалари ташаббуси ва талаби билан 20-йилларнинг охири, 30-йиллар бошларида республикада бир қатор олий ўқув юртлари (ЎЗГУ, Қўқон шаҳрида кечки пединститут, туман марказларида бир қатор ўқитувчилар тайёрлаш институтлари) ташкил топди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг маданий қурилиши илмий-тадқиқот институти базасида 2 та алоҳида институт - Ўзбек тили ва адабиёти илмий текшириш институти ва Ўзбек дастур ва услубият институти (1933 й.) ташкил топди. Ўзбек экспериментал медицинаси институти (1934 й., август) очилди⁵⁶ ва яна

⁵⁵Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик Т., 2007

⁵⁶Девятый съезд КП(б) Узбекистана. 12-16 марта 1940 г. // Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т. 2. С. 98.

идора ва ташкилотларда Ўзбек тили ўқитилишини яхшилаш чоралари кўрилди ва ҳоказо.

Ўзбекистон зиёлиларининг халқ таълимини ривожлантиришидаги тажрибаларини янги архив маълумотлари асосида тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳукумат халқ таълимини ривожлантиришга етарли маблағ ажратиш у ёқда турсин, мактаб муаммоларини тушунмади. Айниқса, маҳаллий тилда ўқитиладиган мактаб ўқитувчиларининг 1-съездига яқин Ўзбекистон К(б)П МК бюроси «Республикада ўқитувчи кадрларнинг аҳволи ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тадбири» (1940 й., 1 июнь) масаласини муҳокама қилиб, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларнинг 55% ўқитувчилари олий маълумотга эга эмаслигини кўрсатиб ўтди.

Аниқланишича, агар 1940 йилги статистик маълумот билан ҳар хил ҳукумат идоралари томонидан кўрсатилган мактаб ўқитувчиларининг умумий сонидagi фарқини солиштирадиган бўлсак, улар ўртасидаги тафовут ўнлаб, юзлаб эмас, бир неча мингларни ташкил этади. Масалан, ўша пайтда партия МК 1940/41 ўқув йилида 35376 нафар ўқитувчи бўлган, деган маълумотга эга эди (июнь ойида эса уларнинг сони анчагина кам эди)⁵⁷.

Ўзбекистон ССР тарихи IV томида келтирилишича, уларнинг сони 42 минг нафар⁵⁸, 2 та статистик тўпламда эса, 38,3 минг нафар⁵⁹ ва 35,4 минг нафар⁶⁰ қилиб кўрсатилган. 1940 йилда Ўзбекистондаги мактаблар ва улардаги ўқувчилар сонини аниқлаганимизда ҳам жиддий тафовутлар кўзга ташланади. Бир манба бўйича республикада 1940 йилда умумий таълим мактаблари 5504 та, ўқувчилар 1324,7 минг нафар⁶¹, бошқа манбада 5448 та мактаб, 1315,1 минг нафар⁶² ўқувчи. Олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим билим юртлари ва уларнинг ўқувчилари сони тўғрисида статистик нашрларда маълумот учрамайди.

⁵⁷Болтабоев Х. Фитрат ва жадидчилик Т., 2007. С. 269-271.

⁵⁸История Узбекской ССР. Т. IV., 1968. С. 51.

⁵⁹Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. - Т., 1967. С. 217.

⁶⁰Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. - Т., 1977. С. 275.

⁶¹Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. - Т., 1967. С. 217.

⁶²Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. - Т., 1977. С. 274-275.

50-йилларнинг ўрталаригача партия съездлари, пленумларида халқ таълими ва маданияти масалалари кўрилганда, умумтаълим мактаблари ва ундаги ўқувчилар сони тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмайди. Бизнинг фикримизча, бу ишлар атайлаб, аниқ маълумотларни топиш кийин бўлганлиги ёки мумкин бўлмаганлиги билан тушунтирилади.

Шўро ҳокимияти ва халқ таълими идораларининг умумтаълим мактаблари муаммоларига муносабати урушдан кейинги йилларда ҳам ўзгармади. Умумтаълим мактабларининг иши ва ҳолатларининг ўрганилиши шунга гувоҳлик беради. Маориф халқ комиссарлигининг (Наркомпрос) маълумотиغا кўра, 1944-1945 ўқув йилига келиб мактаблар сони 4555 та, шундан бошланғич мактаблар 1750 та, тўлиқсиз ўрта мактаблар 2383 та, ўрта мактаблар 422 та бўлган. Ўрта мактабларнинг кўпчилиги шаҳарларда жойлашганлиги сабабли ҳаммаси бўлиб 28500 нафар ўқувчи таълим олар эди, холос.

Маҳаллий халқ тилида ўқитиладиган умумтаълим мактабларининг маҳаллий кадрлар ва материал базалари билан таъминлашнинг орқада қолишининг асосий сабаби - республика олий ўқув юртларидаги илмий-педагогик ходимлар орасида маҳаллий ходимлар салмоғининг ниҳоятда камлиги билан белгиланади. Масалан, 1945 йил бошларида Маориф халқ комиссарлигига қарашли олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибида бор-йўғи 620 нафар одам бор эди, улардан атиги 165 нафари маҳаллий халқ вакиллари эди. Шунинг оқибатида, 1945 йилда Ўзбекистон олий ўқув юртларининг битирувчилари ичида маҳаллий халқ вакилларининг салмоғи қуйидагича бўлди.

Шундан кўринадики, САГУда битирувчиларнинг умумий сонидан 10 фоиздан камроғини маҳаллий ёшлар ташкил қилади. Кейинги йилларда биринчи маротаба Ўзбекистон партия гшенумида (1945 й. 20-22 сентябрь) умумтаълим мактабларининг ишлари муҳокама килингани диққатга сазовор. Пленум қабул қилган қарорда «Халқ таълими идоралари қониқарсиз ишламоқда, партия совет ташкилотлари зарур талабчанлик кўрсатмаяпти,

ишларига етарли ёрдам бермаётгани натижасида ҳали ҳам кўпгина мактаб ёшидаги болалар ўқишга жалб этилмаган, ўқувчилар ичида синфдан-синфга ўта олмаслик, айниқса, ўзбек мактабларининг юқори синфларида бу кўпроқ кўзга ташланади. 1944-1945 ўқув йилларида мактаб ёшидаги болалардан 160 минг нафари ўқишга жалб қилинмаган. 137,5 минг нафар бола синфдан-синфга ўтолмаган. Шундай қилиб, 300 мингга яқин ёки мактаб ёшидаги болаларнинг 30 фоизи мактабдан ташқарида қолиб кетган. Дарсга қатнашиш мактабларда 40-50 фоиз, баъзи туманларда мактаблар умуман ишламайди, айниқса, ўрта мактабларда аҳвол жуда ёмон. Республикадаги мактаб-ларда синфда қолиш 40 фоизга боради.

Маҳаллий тилда дарё олиб бориладиган мактабларда ўқитувчи кадрлар етишмаганлиги ўта муҳим муаммо бўлиб қолмоқда эди. Албатта, бунинг сабабларидан бири ўн минглаб ўқитувчиларнинг урушга кетиб, уларнинг катта қисми қайтиб келмагани, рус тилида дарс олиб бориладиган мактабларда ўқитувчиларнинг кўпчилиги аёллар бўлиб, маҳаллий мактабларда аёллар озчилик эди. Шу боис рус мактабларида ўқитувчилар сони уруш йилларида Ўзбек мактабларига нисбатан камаймади.

Уруш йилларида республикада 9300 ўқитувчи, шундан 4,5 минг маҳаллий кадр тайёрланди. Шундай бўлсада, 1945-46 ўқув йилларида мактабларда 3172 та предмет ўқитувчиси етишмас эди. Ўқитувчиларнинг 40 фоизини асосан қишлоқларда, кўпинча шаҳарларда ҳам маҳаллий тилда ўқитиладиган мактабларда ўрта маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар ташкил этар эди. Мингдан ошиқ махсус таълим ўқитувчилари ўз соҳаларида ишламас эдилар. Кўпгина мактабларнинг, айниқса, қишлоқ мактабларининг бинолари ачинарли аҳволга келиб қолганди².

Урушдан кейинги йилларда партия совет ташкилотлари умумтаълим мактабларини колхоз, совхоз ва йирик саноат корхоналарига оталиққа беришди. Шунинг ҳисобига халқ таълими бироз ривожлана бошлади. 1950-йиллар бошигача ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва янги мактаб биноларини қуришга давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилди. Эсламоқ жоизки,

партия совет ташкилотлари республика миқёсида халқ таълими масалаларини ўн йилдан ортиқ вақт ичида икки мартагина - 1945 йил сентябрь ва 1951 йил май ойларида кўриб чиқди. Тўғри, республика Маориф министрлигининг ҳисоботлари асосида Ўзбекистон КП МК кўпгина расмий қарорлар қабул қилди. Жумладан, 1950 йил 1 декабрь «УзССР халқ таълимини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶³, яна 1950 йил 5 декабрь⁶⁴ ва 1951 йил 16 мартда илгари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида⁶⁵ каби қарорларини келтириб ўтиш мумкин.

Бирок бу қарорлар республика халқ таълими соҳасини яхши томонга жилдира олмади. Шўро партия ташкилотларининг ижтимоий ҳаётдаги амалга оширган ишларини бўяб, бўрттириб кўрсатишларига қарамай, республика Компартия МК пленуми (1951 йил, май) халқ таълими ва мактаб ўқув-тарбия ишларидаги мавжуд камчиликларни тан олишга мажбур бўлишди. Пленумда энг катта камчилик сифатида мактаб ёшидаги болаларнинг тўла ўқишга жалб этилмагани кўрсатиб ўтилди. 1950 -51 йилларда 27 минг нафар бола ўқишга бормасди⁶⁶.

1952 йилнинг сентябрида Ўзбекистон ҳукумати 5 йилликнинг охирига (1956 й.) келиб, 7 йиллик умумий таълимдан умумий ўрта таълимга (10 йиллик) ўтишга қарор қилди. Бу ишлар дастлаб, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида амалга оширилиши, сўнгра керакли шароитлар яратилгач, келгуси беш йилликда умумий ўрта таълимга тўлиқ ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1952-53 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ жойларда мажбурий 7 йиллик таълимга ўтишга киришилди⁶⁷. Бирок, иккала 5 йиллик муҳлат ҳам Ўзбекистон ва бошқа Урта Осиё республикаларида қишлоқ аҳолиси кўпчиликни ташкил этгани боис амалга ошмай қолди. Мактабларда ўқитиш тизимининг ривожланиши бўйича марказий минтақалардан, жумладан,

⁶³Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т. 2. С. 444.

⁶⁴КПСС в резолюциях... Т.3.- М, С.485-494.

⁶⁵Наука в Узбекистане. Т. II. С. 160.

⁶⁶Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т. 2. С.444.

⁶⁷Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т. 1. С. 583.

Белорусия, Украина, Болтиқбўйи республикаларидан яна беш йилга ортида қолиб кетганлиги тан олинди.

Бу ҳолат Ўзбекистонда мактаб таълимининг қолақлашувиға олиб келди, яна бир жиҳат республикада шаҳар билан қишлоқ мактаблари орасидаги тафовут катталиғича қоламоқда эди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида махсус фанларни рус тилида олиб бориш амалиётининг қўлланилиши ҳам олий ўқув юртларида рус талабалари сонининг ортиши ва маҳаллий ёшларнинг ўқишдан ташқарида қолишиға олиб келди. Масалан, 1950-51 ўқув йилида 42,2 минг нафар олий ўқув юрти талабаси орасида 17 минг нафар Ўзбек, 1,6 минг нафар қозоқ, 0,8 минг нафар тожик, 0,8 минг нафар қорақалпоқ, 200 нафар киргиз, 100 нафар туркман бор эди. Шундан келиб чиқадики, маҳаллий ёшлар сони талабаларнинг умумий сонининг ярмидан 400 нафарға кўпроқ экан. 40,4 минг нафар ўқувчидан тўртта махсус билим юртларида ўзбек ва бошқа маҳаллий ёшлар 22100 кишини, яъни ҳамма ўқувчининг ярмидан сал кўпроғини ташкил қилади⁶⁸.

Ижтимоий-гуманитар фанлар орасида тарих ва филология фанлари энг кўп таъқиб ва қатағонға учради. Тоталитар режим 40-50-йилларда ушбу фанларнинг ривожланиши ва йўналишини белгилаб берди. 30-йилларда кўзга кўринган ўзбек олимлари тарихчи П. Солиев, адабиётчи А. Фитратлар қатағонға учраганидан кейин, Ўзбекистонда миллий-тарихий тадқиқотлар берилган мавзулар бўйича ўтказиладиган бўлиб қолди ва ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилиши керак эди. Бунга, албатта, Ўзбекистонға эвакуация қилинган, олий ўқув юртларида ва илмий муассасаларида ишлаётган йирик тарихчи олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг иштирокида Сталинча «ВКП(б) тарихининг қисқача курси»ға ўхшатиб, Ўзбекистон халқлари тарихи ёзила бошланди. 1947 ва 50-йилларда бу ишнинг икки томи нашр қилинди.

Ўрта Осиё республикалари ва Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиши ВКП(б) МКнинг 1946 йил 14 августидаги «Звезда»

⁶⁸Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях... Т. 2. С. 444.

ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги ва 1946 йил 26 августдаги «Драма театрларининг репертуарлари ҳақида»ги қарорлари асосида жиддий зарбаларга дучор бўлди⁶⁹. 1952 йилда республика ФА нинг президиуми шу қарорлар асосида Тарих институти олимларига «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг илгари чиққан томларини қайта ишлаб, тўлдириб, қайта нашр қилишга кўрсатма берди⁷⁰. Ушбу қарорлар 1936-37 йилларда САГУ ва УзГУда тайёрланган тарихчиларнинг ёш авлодининг фуқаролик ва илмий дунёқарашига кучли таъсир қилди. Масалан, ўзбек тарихчиларидан Абдунабиев, А.Х. Ҳамроев ва бошқалар 50-йиллар бошида миллатга ва тарихга зид позицияда чиқишлар қилдилар, ҳақиқий халқ достонларини тарихчи ва адабиётшуносларнинг ўтган тарихимизга ҳаққоний ёндошишларини қораладилар (Ойбек, А.Х. Бобоҳўжаев, Ҳ. Зарипов, Ф. Зоҳидов, И. Султон, Ҳ. Сулаймонов ва бошқалар).

1951-1952 йилларда республика даврий матбуотида 20 дан ортиқ «заказ» мақолалар босиб чиқилдики, уларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари ижодини булғашга ва шовинистик асоссиз танқидга тўлиб-тошган эди. Гаразлик, уйдирма мақолалари билан, айниқса, ажралиб турганлардан қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин. В. Костиря, К. Файзулин «Баъзи шоирларнинг ижодидаги идеологик бузилишлар (извращение) тўғрисида» («Правда Востока», 1951 йил 10 август); М. Иванов, В. Лавров, Ф. Искандаров «Ўзбек совет адабиёти мақсадларидан ташқарида» («Правда Востока» 1951 йил 21 август); Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси VI пленуми материаллари («Правда Востока» 1951 й. 28 август); А. Ҳамроев «Бир бузук диссертация ҳақида» («Правда Востока», 1952 й., 15 февраль), ЎзССР ФАнинг партия мажлисида («Правда Востока», 1953 й., 23 март) ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, 40-50-йилларнинг бошларида тайёрланган илмий ходимлар, тарихчилар, файласуф, иқтисодчи, тилшунос, адабиётчи ва

⁶⁹КПСС в резолюциях... Т.3.- М, С.485-494.

⁷⁰Наука в Узбекистане. Т. II. С. 160.

юристлар САГУ, УзГУ, Низомий номидаги педагогика институтида таълим олди. Улардан етишиб чиққан айрим талабалар учун ихтисослашган илмий-текшириш институтларида, кафедралар ва факультетларда илмий ишларини яратишга имконият тугилган. Бу давр жуда катта қарама-каршиликлар даври бўлди. Маданият соҳасига коммунистик мафкурани зўрлаб тикиштиришлар, ривожланишда партиявийликнинг устуворлиги кучлилигига қарамасдан, Ўзбек зиёлиларининг таланта, куч-ғайрати, саъй-ҳаракати билан чамбарчас боғланиб кетган.

Жамиятда халқларнинг ассимиляция жараёни кетганида асосан қадриятлар (тил, урф-одат, анъаналар) йўқотилади. Халқнинг онгида чуқур илдиз отмаган, ҳаётининг бир бўлагига айланмаган, ҳимояланмаган ёки кам ҳимояланган фуқаролик нуқтаи назари ва қадимий маданияти йўқотилиши тарихан тасдиқланган. Шу маънода Ўзбекистон миллий зиёлилари улут давлатчилиқ, шовинистик сиёсат олиб борган шўролар ҳукуматининг қаттиқ таъйиқига қарамасдан, умумбашарий ва миллий қадриятларни, урф-одат, ота-боболаримиздан мерос бўлган ҳаёт тарзини ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа халқларда, тўлиқ бўлмаса ҳам, сақлаб қолди. 40-50-йиллардаги миллий зиёлиларнинг адабиёт ва маданият соҳасидаги ижодий тажрибаси бунинг гувоҳи бўлди. Шунини таъкидлаш жоизки, оммавий қатағонлар, буюк давлатчилиқ шовинизми ва маҳаллий зиёлилар орасидаги ҷақимчилиқ, маъмурий буйруқбозлиқ билан бирга коммунистларнинг бир партиявийлик мафкурасини тикиштиришига қдрамасдан, миллий зиёлилар Ҳ. Олимжон, Ойбек, Г. Гулом, Миртемир, А. Қаҳҳор, С. Абдулла, Н. Ганиев, М. Уйғур, Е. Бобожонов, М. Шайхзода, Ойдин, И. Султон, Қ. Муҳаммадий, К. Ёрматов, Р. Аҳмедов, Ў. Тансиқбоев, А. Абдуллаев, Б. Ҳамдамий, Жалилов, Содиков, С. Эшонтўраева, Муҳамедов, А. Ҳидоят, Тамарахоним, М. Қори Ёқубов, Ш. Бурҳонов, Ҳ. Носирова, С. Табибуллаев, М. Бурҳонов қабилар социалистик реализм принциплариға, партиявийликка таянган ҳолда миллий маънавиятни, умумбашарий қадриятларни ардоқловчи асарлар яратдилар.

XX аср 30-йилларда Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари, миллий маданият арбоблари жамиятни ларзага солган оғир шароитларда, бадий ижодни чегаралашлар ҳолатида ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг маънавиятини, урф-одатларини ёритиб берадиган асарлар яратишга эришдилар. Ойбекнинг «Қутлуг қон», «Навоий» (повесть «Гулистон» журналида босилиб чиқди, роман 1944 йилда ёзилди), Ғ. Ғуломнинг «Кўкан», «Ёдгор» асарлари, Ҳ. Олимжоннинг «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ», «Зайнаб ва Омон», С. Айнийнинг «Куллар» романи, А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи, С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра» мусикали драмасы, А. Ҳидоятонинг «Аваз», М. Ашрафийнинг «Бўрон» операсы, Т. Содиков ва Р.М. Глиэрнинг «Лайли ва Мажнун», Н. Ғаниевнинг «Рамазон» кинофильми, И. Аъзамовнинг «Калит» асарларини келтириб ўтиш мумкин.

Бироқ ВКП(б) МК «Звезда» ва «Ленинград», «Об опере «Великая дружба», В.Мурадели, «О кинофильме «Большая жизнь», «О репертуаре драматических театров и мерах по его улучшению» қарорлари ижтимоий-гуманитар фанларнинг миллий адабиёт маданиятининг ривожланишига буюк давлатчилик шовинизми ва синфий ёндошишни кучайтириб, салбий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон партия ташкилотлари, илмий муассаса ва ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари ВКП(б) МК қарорларини марказга ёкиш учун догма сифатида қабулқилиб, илмий ишларга бадий адабиёт ва фольклор асарларга, театр жамоалари, композиторлар, кино усталари асарларини миллатчиликка қарши синфий нуқтаи назардан танқид қилиб, кўпларни буржуазия малайлари сифатида қоралади. Бир неча ўн йиллар давомида фан, адабиёт, санъат, маданият ривожланишини бўғиб келди ва тўсқинлик қилди.

1940-йилларнинг охири, 1950-йилларнинг бошида республикада жабр-зулм кучайди. 1949 йили Саид Аҳмад, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Ғулом Алимов (Шухрат), Мирзакалон Исмоилий буржуа миллатчилиги ва яна бошқа туҳматлар билан 25 йилга қамалиб кетди. Беш йилдан кейин ишлари қайта кўрилиб оқландилар ва ижодга қайтиб, баракали меҳнат қилдилар.

1951 йил 10 августда «Правда Востока» газетасида «Баъзи шоирларнинг ижодида ғоявий бузилиш тўғрисида» мақола босилиб чикди. Мақола муаллифлари ўзлари ўзбек тилини етарлича билмаганлари ҳолда асарларнинг аслини ўқимасдан туриб, Туроб Тўланинг «Ўзбекистоним» ашуласини ҳақоратли танқид остига олдилар. Эмишки, ашулада сталинча халқлар дўстлиги, совет ватанпарварлиги тўғрисида бирорта сўз йўқ. Т.Тўланинг бузуқ асари буржуа миллатчилигининг сўз тўқимасидан бошқа нарса эмас ва умуман, совет воқелигига тўғри келмайди, деб айб қўйдилар⁷¹. Шоирнинг «Бир пиёла май», «Баҳор байрами», Ҳабибийнинг, «Диёримсан», «Ватан» шеърлари ҳам худди шу қолипда танқидга учради. Яна ўша чала олимлардан шоирлар Собир Абдулла, К.Атабоев (Камтар), А. Бобожонов, Миртемир жабр кўрдилар (ғоявий кўпол хатолари, бузуқ ахлоқ-одоблари учун Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалдилар).

Масалан, «Жонон» шеърида шоир «ракдосанинг гўзаллигига Сарой амалдорлари ва тўраларча фахш назари билан қарайди ва совет ўқувчисини фақат жиркантиради»⁷². Худди шу услубда ёзилган М. Иванов, В. Лавров, Ф. Искандаров, «Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан ташқарида» мақоласида Республика ФАнинг тил ва адабиёт институтини қаттиқ танқид остига олади, «Ўртоқ Сталиннинг тил тўғрисидаги доҳиёна таълимоти» изидан борилмади, Совет адабиёти жанговар руҳидан чекинилди, адабиётга пантуркистча, панисломистча қарашлар суқилиб кирди, деган даҳшатли айблар қўйилди⁷³. Мақола муаллифларининг шовинистик нуқтаи назардан туриб, Ўзбек адабиётшуносини прогрессив ўзбек шоирлари Фурқат, Муқимий, Турди, Аваз Утар, Гулҳаний ўрнига қаёқдаги хон, подшоҳ шоирларни кўкка кўтариб мақташда айбладилар. Ойбекни «Ўзбек поэзияси антологияси»га реакцион кайфиятдаги Мискинни ва буржуа миллатчиси Авлоний асарларини киритгани учун аёвсиз танқид қилдилар⁷⁴.

⁷¹«Правда Востока», 1951, 10 август.

⁷²Ўша жойда.

⁷³«Правда Востока», 1951, 21 август.

⁷⁴«Правда Востока», 1951, 10 август.

Республика Ёзувчилар уюшмасининг 4-пленида Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романининг биринчи вариантга И. Султоннинг ижобий баҳоси учун, адабиётшунос М. Юнусовнинг «Дода Қўрқут» қаҳрамонлик достонига «Салом, Москва!» ўзбек тилидаги тўпламда юқори баҳо бергани учун, Азиз Қаюмовнинг Махмур шоир тўғрисидаги янги маълумотлар мақолаларини жуда кўпол равишда тухмат билан танқид қилди⁷⁵.

Бунақа гоёвий «тафтишлар» тарих фанини ҳам четлаб ўтмади. 1952 йил 10-партия Пленумида ЎзКП МК биринчи секретарининг маърузасида «...республикада гоёвий партиявий ишларнинг аҳволи ва уларни яхшилаш чора-тадбирлари» ҳақида сўз юритилиб, Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда йўл қўйилган қатор камчиликлар санаб ўтилди. Ўзбекистоннинг Россияга қўшиб олинганининг аҳамияти ва марксизм, ленинизмнинг Ўрта Осиёга кириб келиши жуда кам ёритилган. 1898 йилги Муҳаммад Али эшон бошчилигидаги Андижон кўзғолони реакцион деб баҳоланади, «Нақшбандия» тариқати диний реакцион оқим сифатида талқин қилинади⁷⁶.

Докладда ўзбек олимлари В.Й. Зоҳидов, С. Ражабов, Г. Ризаев, Ойбек, Ғ. Каримов, ёзувчилар М. Шайхзода, И. Султон ижодига жуда ёмон баҳо берилди. «Алпомиш», «Юсуф ва Зулайҳо», «Дода Қўрқут» достонлари реакцион, халққа қарши диний мистик, жадинлар эса халқ душманлари, деб аталди⁷⁷. Шунинг учун ҳам халқимизнинг ҳозирги ва келгуси авлоди мазкур даврда ижод қилган кўпчилик зиёлиларнинг кўпқиррали ва миллий ватанпарварлик руҳидаги ижодий маҳсуллари жуда ҳам қадрлайдилар. Улар тоталитар тузум зулмига ва ўзларининг орасидан чиққан келишувчиларнинг сотқинлиги, хоинлигига қарамай, авлодларимиздан қолган бой маънавий меросни сақлаб қолдилар ва янги адабий, бадиий асарлар билан бойитдилар. Табиий фанлар, ижтимоий гуманитар фанлар,

⁷⁵Ўша жойда.

⁷⁶«Правда Востока», 1951, 21 август.

⁷⁷Ўша жойда.

адабиёт, санъат соҳалари сезиларли ривожланди. Халқимизнинг онги, дунёқараши, билим савияси анча ўсди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, 20-30-йиллардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда фан ва халқ таълими ривожланиши 40-50-йилларнинг бошида зиддиятларга янада тўлиб-тошди.

Биринчидан, табиий ва ижтимоий гуманитар фанларда маҳаллий халқ вакилларининг салмоғи камлиги улкан муаммоларни келтириб чиқарди ва бу масала секинлик билан бўлса-да, ўз ечимини топа борди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда совет халқ таълими тизими ўзининг ўсиш сифати даражасида РСФСР, Украина, Белорусия, Грузия, Арманистон, Болтиқбўйи республикалари халқ таълими тизими ривожланишидан 5-6 йил орқада қолган эди.

Яна бошқа сабаби, ижтимоий соҳада «қолдиқ принципи»ни қўллаш, маҳаллий аҳолининг таълим олишга бўлган эҳтиёжини тан олмаслик натижасида Ўзбекистонда рус тилида таълим бериладиган мактаблар билан маҳаллий тилда ўқитиладиган мактаблар орасида ўқув-методик қўлланмалар, ўқитувчи кадрлар, моддий-техник таъминотда катта тафовут, фарқ бор эди. Шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасида ҳам шундай аҳвол ва бу нарса узок йиллар давомида сақланган. Пахта монополиясининг кучайиши, мактаб болаларини қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишга мажбур қилди. Бу, албат-та, мактабда ўқитиш ва болаларнинг билим олишларига салбий таъсир қилмай қолмади.

Ўзбекистонда миллий адабиёт ва санъатнинг ривожланиши янада мураккаб, қийин кечди. Адабиёт ва санъат соҳасида, умуман, миллий маданиятнинг ривожланишида шўроларча синфий ғояни тикиштириш, руслаштириш сиёсати асло бўшашмади. 1946 йилдаги юқорида эслатиб ўтилган қарорлар билан бир қаторда, Иттифоқ марказий раҳбарияти рус бўлмаган халқларнинг ҳур фикрлашига қарши чикди, совет давригача бўлган қадриятларни йўқ қилишга қатъий киришди ва буни амалда намойиш этди.

Қўшимча қилиб шуни айтиш зарурки, буюк давлатчилик позициясида турган марказ узоқ вақт Ўзбекистон давлат гимнини қабул қилишга тўсқинлик қилди. Ваҳоланки, мадҳиянинг матни ва мусиқаси 30-йилларнинг охирида тайёр бўлган эди. 1947 йил май ойидагина республика Министрлар Совети Ўзбекистон Давлат гимнини тасдиқлади. Бу гимн илк бор 1947 йил 17 майда янгради.

Ўзбек ёзувчи ва шоирларидан Ҳ. Олимжон, Ойбек. Ғ. Гулом, А. Қаҳҳор, Миртемир, Т. Фаттоҳ, М. Шайхзода, С. Абдулла, С. Аҳмад, Ғ. Алимов (Шухрат), М. Исмоилий, И. Султон, артистлардан А. Бакиров, А. Ҳидоят, Л. Саримсоқова, М. Қори Ёқубов, Р. Ҳамраев, С. Хўжаев, Тамарахоним, С. Эшонтўраева, Ҳ. Носирова, композиторлардан Ю. Ражабий, М. Ашрафий, Т. Содиқов, Т. Жалилов, М. Бурҳонов, рассомлардан А. Абдуллаев, Б. Ҳамдамий, Р. Аҳмедов, Ў. Тансиқбоев, театр режиссёрларидан Е. Бобожонов, М. Уйгур (Мажидов), М. Муҳаммедов, Ўзбек овозли киносининг биринчи усталари Н. Ганиев, К. Ёрматов, Д. Набиев, Р. Пирмуҳамедовлар қийин шароитларда ўзбек адабиёти ва санъатига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Халқ усталари Уста Мурод Ширинов, Уста Махмуд Усмонов, Т. Останақулов, Б. Жўраевлар Тошкентдаги Навоий номидаги катта академик театри биносини, Муқимий номидаги мусикий драма ва комедия театри биносининг ички, ташқи безакларини миллий анъанавий услубда меҳр-муҳаббат ва катта маҳорат билан безадилар ва ҳақиқий санъат асарига айлантирдилар.

Миллий маданият, фан, адабиёт ва санъат усталарининг авлоди 40-50-йилларнинг бошларида кўплаб илмий кашфиётлар қилдилар. Ажойиб бадиий адабиёт ва санъат асарларини яратдиларки, оқибатда кучли интеллектуал потенциалга айланиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг илмий-ижтимоий равнақининг пойдеворига айланди.

ХУЛОСА

Европа XVIII —XIX асрларда техника тараққиётига йўл бериб, XX аср маданияти ва турмуш тарзи учун мустаҳкам ийдевор яратган бир даврда Осиё, жумладан, Туркистон, илм -фан амалиёти ва техника тараққиётидан орқада қолиб кетганди. Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, ислом ва шариатнинг оёқ ости қилинишига олиб келди. Туркистоннинг қолоқликда қолиб кетиши, ўзбек хонликлари ўртасида мунтазам давом этиб келган низолар, охир — оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хоникларни босиб олиб, жаҳолат ва иқтисодий маданий таназзулга олиб келди.

Туркистонни бу тарихий ноҳақликни нисбатан жавоби миллий ва маданий юксалиш, озодлик ва мустақиллик учун нихоятда кенг қамровли ижтимоий ҳаракатга киришишидан иборат бўлди. Тарихий зарурат ва маънавий эҳтиёж тақозоси билан юзага келган мазкур ҳодиса кечмишида жадиidler турди.

Жадидчилик ҳаракати Туркистондаги янги маънавий ижтимоий юксалишнинг тимсолига айланди. Жадидлар сиёсати, фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди.

Жадидларнинг назарий қарашларида иккита муҳим хусусият кўзга ташланди: Мустаҳкам ирсий илдиз ҳамда Шарқ ва Ғарб маърифатчилиги, файласуфларнинг назарий меросини эгаллашга интилиш.

Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, Туркистон халқини миллий ўзликни англашининг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат - жадидчилик бўлган.

Жадидлар - «Бир миллатнинг қувват ва матонати, унинг саодати ва фароғати аҳолининг оз кўплиги билан эмас, аъзоларининг маданият

ватараққийётга омилҳаётӣ ҳусусиятларининг даражаси билан ўлчанади» деб билдилар.

Миллатнинг кучли ё кучсизлиги, ғолиб ё мағлублиги унинг маданияти, маърифати, тижорат ва саноатига боғлиқ эканини улар тушуниб етдилар ва «бу кунда маданий миллатлар урушларини саноат ва тижоратга айлантирдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар», Сехргар ва жодугарлик ила эмас тижорат ва санъаткорлик ила чолишқон Овропа, Африка ва Осиёни ўзига аср ва мусаххар қилмоқдан-деб ёзади Абдулла Авлоний¹.

Умуман, жаидлар ланий ғояларни ақидапарастилик қобиғидан холи этишга, ҳам исломий, ҳам Ғарб маданий қадриятлари уйғун фалсафани шакллантиришга ҳаракат қилган. Энг фаол жаидлар учун айнан шундай кенг қавромли тафаккур хос эди. Жаидлар кўзлаган мақсадга эришиш учун аввало, таълим ва тарбия соҳасида ислохот ўтказиш, илм - фан ютуқлари ва илғор техникани ўрганиш каби масалаларни ҳал этиш лозим деб билганлар.

Ўзбекистан Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг: «Жамият тараққийётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир», деган сўзлари миллий қадриятларимизни, англашда, тарихий хотирани тиклашда, ўзлигимизни англашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан ёндашсак, XIX аср охири — XX аср бошларидаги жаидларнинг маърифатпарварлик фаолиятлари ҳар қандай давр учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаидлар мустамлакачилар мафкураси босқинчи зулмкор куч сифатида ўлкадаги миллий маданият таълим тараққийётига тиш-тирноғи билан қарши бўлган бир даврда зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ва масъулиятли ишга фидойилик билан киришдилар.

Маърифатпарвар жаидлар томонидан Туркистон ўлкасининг Тошкент, Бухоро, Хива, Самарканд ва Фарғона водийси шаҳарларида кўплаб «усули жаид» («янги усул») мактаблари очилди. Ана шундай мактаблар очиш

ташаббускорлари ва битирувчилари орасида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қила оладиган иқтисодий, сиёсий ва маънавий қарамликдан, колоқликдан қутилиш йул-йўриқларини биладиган, ўз даври учун замонавий билимларга эга бўлган маърифатпарварлар бор эди. Булар Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шакурий, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳ.Ҳ.Ниёзий каби кўплаб буюк зотлардир. Чор Россиясининг мустамлакачилик асоратига тушган Туркистон халқларини уйқудан уйғонишга чорловчи, миллий тарих, миллий география, миллий тарбия, ахлоқ, ислом маънавияти ва миллий адабиётга дойр муҳим қўлланма дарслик ва алифбо китобларининг яратилиши ҳам мана шу шахслар номлари билан боғлиқдир.

XX аср миллат ҳаётида, унинг маданияти ва адабиёти ёрқин ва ўчмас из қолдирган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар феномени нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам ноёб ҳодисадир.

Миллий маданият, фан, адабиёт ва санъат пойдеворини яратган жадидларнинг XX аср авлоди ажойиб бадиий адабиёт ва санъат асарларини яратдиларки, оқибатда кучли интеллектуал потенциалга айланиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг илмий-иҷтимоий равнақининг пойдеворига айланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ЎРГАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. Ўзбекистон 16 йилик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007
3. Каримов И.А Истиклол ва маънавият. Т.: Ўзбекистон, 1994
4. Каримов И.А Тарихий хотирасиз қелажак йўқ, Т.: Шарқ, 1998
5. Каримов ИА Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсзликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А Ўз қелажакимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига жавоблар.—Т.: Ўзбекистон, 1999
7. Каримов И.А Жамятимиз мафкураси халқни –халқ, милатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998
8. Абдулин Р.Б. Западная школа среднеазияведения: организационные основы, исследовательская база и историографические направления (1917-1991). Автореферат дис.. канд. ист. наук. Алматы, 2005
9. Алимова Д.А. XIX аср охири-XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жаидчилик.// Жаидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақилик ва тараққиёт учун кураш. Т.: Университет, 1999
10. Аҳмедов С., Ражабов Қ. Жаидчилик //Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎзМЭ).Т.3.Т.:ЎзМЭ нашриёти, 2002.
11. Ахророва Х. Истиклол фидойилари. Изларини излайман. Т.,”Шарқ”, 1998.
12. Германов В.А. История Туркестана в условиях политического террора. 20-30-х годов. Ташкент, “Узбекистан”, 2000

13. Мухаммадбердиев К.Б. История Хорезмской революции. Т.: Фан, 1986
14. Непесов Г. Из истории Хорезмской революции 1920-1924 гг. Т.: 1962
15. Полвонов Н. Хива жадидлари- Ёш хиваликлар ва Асфандиёрхон ўртасидаги муносабатларга янгича мулоҳазалар. // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Т.: Академия, 2001
16. Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // ЎзМЭ. Т.3. Б.494-496;
17. Ражабов Қ. Ёш хиваликлар. // ЎзМЭ. Т.3.
18. Тошқулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX –первой четверти XX вв. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. Ташкент, 1995
19. Тошқулов Ж. Ёш хиваликлар: сиёсий карашларнинг тадрижий ривожланиши. // Халқ ва демократия, 1992. №3-4
20. Турсунов И. Истиқлолга интилган қалблар нидоси. Т., 1993
21. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т.: Шарқ, 2000
22. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (махаллий зиёлиар фаолияти мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс. афтореф. Т.: 2004,
23. Усмонов И. Қатағон қурбонлари. Т.: Ўқитувчи, 1992
24. Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900-1940 йиллар). Тарих фанлари доктори ил. дар. олиш учун ёз. дисс... Т., 1996
25. Узоқов Х. Қалблар нидоси. Тарихий илмий публицистик очерклар. II жилд. Биринчи, иккинчи китоб. Т.: Адолат, 1997
26. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. (Тузувчилар Жўраев Н., Нуруллин Р. ва бошқалар). Т.: Шарқ, 2000
27. Хасанов Мажид. Файзулла Хўжаев. Т., Ўзбекистон, 1990
28. Холбоев С. "Янги тарих" таълимоти. // Халқ сўзи, 2001 йил 22 сентябр.

- 29.Холбоев С. Жадишлик ва истибод (Хоразм республикаси ҳақида). //Ишонч, 1997 йил, октябрь
- 30.Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в 1917 –начале 1950-х годов. Автореф.дисс.на соиск.учен.ст.доктора ист.наук. –Т.:2001
- 31.Шамсутдинов Р.Т. Жертвы репрессии. Андижан, Мерос, 1994
- 32.Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т.: Шарқ, 2001
- 33.Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон, “Andijon-Nashriyot-Matbaa”, 2004
34. Шамсутдинов Р.Т., и др. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I-V-Т.Шарқ, 2005-2009
- 35.Қаландаров Н. Образованне и деятельность ХКП. Т.: Узбекистан, 1975
- 36.Қиличев Ф. Зулматдан садолар. Т.: Адолат,1994
- 37.Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002
- 38.Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. Бухоро, 1996

Даврий матбуот

39. XX аср 1-чорагида ҳамда мустақиллик йилларида эълон қилинган жадиdlар меросига оид матбуот материаллари